Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 75 (21. 194) 1992 йил 15 апрель, чоршанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

Ташриф тугади

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигида Саудия Арабистони подшолигига расмий ташриф буюрган делегация 14 апрель куни Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида И. А. Каримов ва делегация аъзоларини республика Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Ўзбекистон Бош вазири А. Муталов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

КАРТОШКА, МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ҚУРУҚ МЕВАНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан жамоа хўжаликларининг, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Картошка, мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва қуруқ меванинг чекланган харид нархлари тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги бир ҳафта муддат ичида янги харид нархларини манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишнинг Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 21 январдаги 23-сон қарори билан тасдиқланган тартиби асосан сақлаб қолинсин.

1992 йилнинг 20 апрелидан бошлаб корхоналар, хўжаликлар, тайёрлов ташкилотлари, кооперативлар, деҳқон (фермер) хўжаликлари, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари ва фуқаролар республикадан ташқарига олиб чиқиб кетадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун пошлина жорий қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, ҳукуматлараро битимларга ва тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларига мувофиқ республикадан ташқарига мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берувчи корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотлар пошлина тўлашдан озод қилинадилар.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат божхона солиқ бошқармаси бир ҳафта муддат ичида мева-сабзавот маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш учун пошлина миқдорларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартибини банклар ва солиқ инспекцияларига етказсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 21 январда чиқарган 23-сон қарорнинг 3-банди (2-илова — мева-сабзавот маҳсулотлари; 3-илова қисмлари), 8 ва 9-бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Раиси
И. КАРИМОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

АМЕРИКА СЕНАТОРЛАРИ— ЎЗБЕКИСТОНДА

АҚШ сенаторларининг делегацияси «Боинг-707» самолёти махсус рейсида 14 апрель куни Тошкентга келди. Делегацияга конгресс комиссиясининг аъзоси Дэнис де Консини бошчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганидан кейин бу Америка делегациясининг дастлабки расмий ташрифидир. Сўнгги вақтда Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий турмушда юз берган катта ўзгаришлар ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун кенг истиқболни очиб берди.

— Тошкентда мамлакатимиз элчихонаси очилганига ҳали бир ой бўлгани йўқ, — деди АҚШнинг Ўзбекистондаги мувақкат ишончли вакили Майкел Мозер.—Аммо ана шу қисқа даврни катта тараққиёт даври деб аташ мумкин. Иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик қилишнинг аниқ режалари белгилаб олинди. Мутахассисларимиз Наманган вилоятидаги нефть конида Ўзбекистонда ҳамкасблари билан биргаликда фаол ишлашмоқда. Нефть фавворасини тўхатишга қодир бўлган ускуналар ҳозирнинг ўзидаёқ Мингбулоққа келтирила бошланди. Яқин кунлар ичида Американинг яна бешта самолётида у ерга техника ва мутахассислар олиб келинади. Мутахассислар орасида нефтчилар ва экологчилар бор. Мен АҚШ сенати делегациясининг Ўзбекистонга ташрифига катта аҳамият бераман. Аслини олганда, бу мамлакатларимиз ўртасида тағин ҳам мустаҳкам ўзаро муносабатлар ўрнатиш йўлидаги дастлабки қадамдир.

Меҳмонлар республика парламентида бўлдилар. Уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев қабул қилди. У сенаторларга қонун чиқарувчи олий ҳокимият органининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди, мустақил Ўзбекистонда амал қила бошлаган янги демократик қонунларнинг моҳиятини тушунтириб берди. Республика Конституциясининг янги лойиҳаси ҳақида сўзлаб берилди. Парламент раиси айниқса иқтисодий ислоҳотнинг ҳуқуқий негизини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари устида олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил ахборот берди.

Меҳмонларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. М. Муталов билан учрашувини қисқача қилиб, қизиқарли ва самарали деб таърифлаш мумкин. Суҳбат чоғида америкалик сенаторларга мустақил республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига самарали ўтиши учун нималар қилинаётганлиги тўғрисида сўзлаб берилди. Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг истиқболлари ҳам муҳокама этилди. Бу ерда Америка делегацияси номидан Дэнис деКонсини сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидаги учрашув ҳар иккала томон учун фойдали бўлди.

АҚШ сенаторлари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиш режасида Самарқандга сафар қилиш, вилоят ҳокимиятида учрашув кўзда тутилган. Шундан сўнг меҳмонлар Олмаотага жўнаб кетадилар.

(ЎзА).

Бўз районидаги М. Жалолов номли давлат хўжалигида маккажўхори экиш қизғин. Бу ерда 110 гектар майдонга ана шу экин жойлаштирилади. Хўжалик меҳнаткашлари ҳар гектар майдондан 60 центнердан дон йиғиштириб олишни мўлжаллашмоқда.

СУРАТДА: хўжаликда ўттиз йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келаётган бригада бошлиғи Авазбек Урозов.

Ш. АЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

БИР ЙИГИТГА ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ

● Зайниддин фермер бўлмасдан олдин маккажўхори ҳамда пахтачилик бригадаси бошлиғи эди. Нима бўлди-ю кутилмаганда у якка деҳқон фермерчилиги ишқига тушиб қолди. Хўжалик бошқаруви ранси, қолаверса, қишлоқ оқсоқоллари маслаҳатига ҳам қулоқ бермай онласида кичик фермер хўжалиги тузди. Бунга дастлабки йилиёқ давлатдан олган 17 минг сўм қарзи ва ўз ҳисобидаги жамғармаси эвазига эришди. Ана шу пулларга у бозордан бешта қорамол сотиб олди. Ўзидаги мавжуд иккита қорамол билан говмишлар сони еттитага етди.

Ишбилармонликни қарангки, фермерлар биринчи йилиёқ эл дастурхонига ўн тўрт тонна сут, уч юз килограмм гўшт тортиқ этишди. Натижада узоқ муддатли қарздан атиги бир йил ичида қутилишди. Бу 1988 йилги кўрсаткич ҳамда фермерларнинг биринчи бор етиштирган маҳсулоти эди. 1989 йилда кичик ферма қорамоллари 15 бошга етди. 1990 йилда эса 26 тага борди. Эндиликда бўлса Зайниддин Равшановнинг чоғроққина ҳовлисида қирқ бош зотдор қора-ола зотли моллар боқиляпти. Шунинг 25 таси маҳсулдор, соғин сигирлар. Қисқа вақт ичида фермер хўжалиги бошлиғи бу хайрли ишга беҳуда қўл урмаганини исботлади. У бор-йўғи беш йил ичида ўзининг кичик фермасида нафақат қорамолчилик, балки сердарамад соҳа чўчқачиликни ҳам йўлга қўйди. Атиги ўн бош она чўчқани юз бошга етказди. Шундан бўлса керак, фермерлар бултур давлатга қирқ тонна серқаймоқ сут, 7,5 тонна чўчқа гўшти, 1,2 тонна мол гўшти сотишди. Пировардида етиштирган маҳсулотлар эвазига фермерлар юз минг сўмдан зиёд даромад кўришди. Жамоа хўжалиги эса мазкур кичик фермадан 82 минг сўм манфаат кўрди.

Фермер ва ижарачи З. Равшанов эндиликда балиқчилик, қўйчилик, паррандачиликни ривожлантириш ташвишида елиб-югуриб юрибди. Энди у ўз шахсий ҳовлисидаги қирқ бош сигир, юзта чўчқа ёнига йигирмата қўй, эллик бош парранда олиб қўшмоқчи. Қувончлиси, бу — Равшановлар хонадонида электр қуввати билан ишлайдиган тегирмон ва мойжувознинг ишга туширилганидир. Говмишларни соғишни, суғоришни, уларга емиш солишни тўла механизациялаштиришга эришган фермер энди тегирмон ва мойжувозлик ҳам бўлди. Ҳозир у илгаригидек қиммати-қиронга омухта ем сотиб олмайди. Дўконда навбатда турib оқ ёғ харид қилмайди. Чунки ўзи етиштирган макка донидан молларга ем қилиб беряпти. Мойжувоздан эса қора жувоз ёғи олмоқда.

• Ишбилармонлар ҳақида ҳикоялар •

Хуллас, «Бир йигитга қирқ ҳунар оз», деганларича бор экан. Зайниддин бугун нафақат фермер ёки ишбилармон ижарачи, балки у уста тегирмончи, тажрибали мойжувозчи, моҳир механизатор, илғор сут ташувчи-шофёр ҳамдир. Ундаги бу хислатларнинг ҳаммаси ўғиллари — Зафар ва Дадажонга сингган. Бу ёш фермерлар экинларни ўтоқ қилиш, парваришлаш билан бир қаторда молларни зооветеринария қоидалари асосида боқиш, бузоқларни соғлом ўстиришни ҳам оқилона эгаллаб олишган.

Юқорида биз юз минг сўмлик соф фойда ҳақида сўз очдик. Ҳақиқатан ҳам унумли, самарали меҳнатга яраша пировард натижа, мўмай даромад кўп бўлса, иш олдинга босаверади. Худди шу даромад, юксалиш, оилавий иқтисод эвазига ижарачи фермерлар шахсий трактор, тележка, «УВАЗ» автомашинаси сотиб олишди. Натижада оғир қўл меҳнати енгиллашди. Ҳозир кичик ферма жамоаси ҳар куни эл дастурхонига 280—300 килограмм сут тортиқ этишяпти. Йил охиригача улар 60 тонна сут, 15 тонна гўшт топширмоқчи.

Навоий вилоятининг Навоий районида ана шундай тажрибасини ўрганадиган, ишларини кенг оммалаштирадиган ташаббускор фермер ва ижарачи бор. Бу «Ленин йўли» жамоа хўжалиги якка деҳқон фермери, ишбилармон ижарачиси Зайниддин Равшановдир. Қани энди мустақил жумҳуриятимизда Равшановга ўхшаган ишбилармонлар кўпайса!

М. ШАРОПОВ.

МЕҲНАТ ҚАДРИ

Мустақиллик туфайли меҳнатимиз қадрланадиган бўлди. Яқинда матбуотда эълон қилинган хушхабар қалбимизни қувончга тўлдирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини ошириш тўғрисидаги қарори кўнглимиздаги гап бўлди.

Хўжалигимиз қўйчивонлари машаққатли меҳнатлари қадр топганлигидан ғоят хурсанд бўлмоқдалар. Айни пайтда яйловларимизда 50 минг бош қўй-қўзи боқилмоқда. Етарли миқдорда озуқа жамғарганлигимиз учун ҳам моллар қишловдан соғлом чиқди. Тўл олиш даври ҳам намунали ўтмоқда. 24 мингдан ортиқ совлиқ қўзилади. Бу йил 90 фоиз қўзини ўстиришга қолдирамиз.

Ҳукуматимиз ғамхўрлигидан руҳланиб, жорий йилда маҳсулот етиштиришни янада кўпайтирамиз. Иллик режадаги 200 тонна ўрнига 260 тонна гўшт, 5200 дона ўрнига 7 минг донага яқин қорақўл тери, 500 центнер ўрнига 650 центнер жун топширамиз.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек, даромадимиз кўпайса, чўпон-чўлиқларимизнинг моддий фаровонлиги яхшиланади.

Айни кунларда Ҳ. Қаршиев, Ҳ. Акромов, Н. Чўянов, каби тажрибали меҳнатсевар қўйчивонлар жамоа ютуғига ютуқ қўшиш учун ғайратни бўшаштирмаяптилар. Хуллас, ишлайдиган замон келди.

Мамат ЖУМАҚУЛОВ,
Усмон Юсупов районидаги Ғ. Ғулом номли наслчилик заводи директори, ХДП район кенгаши ижроия бюроси аъзоси.

ҚИШЛОҚ ПИШЛОҒИ

● «Малик» давлат хўжалигининг «Чорвадор» деб аталувчи сут-товар фермасида сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилди.

Бу мўъжазгина, аммо хўжалик меҳнат аҳли учун ғоят зарур бўлган цех бир кеча-кундузда 1,5 — 2 минг литр сутни қайта ишлаш қувватига эга. Корхона технологияси қўшни Тошкент вилоятининг Ғалаба районидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» хўжалигидан олинди, ускуналарнинг талай қисмини эса маликликларнинг ўзлари яратдилар.

Бу фойдали цех 60 минг сўмга барпо этилди. Лекин мутахассисларнинг таъкидлашларича, у икки ойдаёқ ўзини оқлайди. Чунки цехда қаймоқ, бринза, пишлоқ, творог чиқарилади. Кейинчалик эса чорвадорлар ўз сарпёғларига ҳам эга бўладилар.

(Ўз мухбиримиз).

• ХДП ҲАЁТИДАН •

РЎЗНОМА ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Яккабоғ район партия, совет ташкилотларининг матбуот нашри бўлиб келган «Авангард» рўзномасининг биринчи сони чиққанига шу йил 27 майда 60 йил тўлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Яккабоғ район кенгаши ижроия бюроси махсус қарор қабул қилди. Қарорда рўзнома юбилейига пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ қатор тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ёшлар иттифоқи район қўмитаси бюроси ҳам «Авангард» рўзномасининг 60 йиллик юбилейига бағишлаб 16 май куни ёшлар ҳашарини ташкил этиш ва бундан тушган маблағни рўзнома таҳририяти ҳисобига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАРТИЯНИ ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА

— Низомдан чекинаман, аммо бу чекинишни ХДПнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш йўлидаги зарур ҳаракат деб ўйлайман, — деди Октябрь районидаги 6-боғдорчилик-узумчилик хўжалиги хизматчиси Б. Набиев.

Хўжаликдаги бошланғич партия ташкилотининг котиби Б. Набиев партия Низомида қайд этилган «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзолари ҳар ойда партияга аъзолик бадалларини ўз даромадларининг камида бир фоизи миқдорида тўлайдилар» деган жумлаларни бозор иқтисодиёти шароитига, пул тобора қадрсизланиб бораётган бугунги шароитга мос келмай қолди, деб ҳисоблайди. Шу боис у бундан буён ойлик маошнинг камида 2 фоизи миқдорида бадал тўлашга қарор қилди. Бошқаларни ҳам шунга даъват этмоқда. Унинг фикрича, ўз эътиқоди учун курашадиган, уни қўллаб-қувватлайдиган ҳар бир партия аъзоси ХДПга моддий ёрдам кўрсатишга интилиши керак.

ҲАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар кенгаши шаҳарда яшаб, меҳнат қилаётган собиқ Компартиянинг ҳар бир аъзосига хат йўллади.

«Сизга маълумки... Ўзбекистон Коммунистик партияси ўз фаолиятини тугатди. Лекин Компартия, жумҳурият халқи, турли ижтимоий-сиёсий кучлар тўплаган ижобий ишлар Ўзбекистон ХДПнинг Дастури ва Низомидан муносиб ўрин олди. Жумҳуриятимиз ҳаётининг ниҳоятда оғир ва мураккаб даврида вужудга келган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон ХДП барча кучларни бирлаштиришга ҳаракат қилмоқда», дейилади мазкур мактубда.

Жиззах шаҳар кенгаши собиқ коммунистларни бундан буён ҳам мустақил Ўзбекистонинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга, янги тузилган партия бошлаган ижобий ишларнинг амалга оширилишида ҳамкорлик қилишга, кўмак беришга чорлаган.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИГА •

МАНФААТДОРЛИК ОШЯПТИ

● Жамоа иқтисодиёти ва маданиятини юксалтириш учун энг аввало, хўжалик аъзолари ҳақидаги ғамхўрликни кучайтириш, нарх-наво ошган бозор муносабатлари шароитида уларни ижтимоий ҳимоялашни янада яхшилаш зарур, деб ҳисоблашмоқда рўзномамизнинг Хива ноҳиясидаги ҳомийларидан бири — Ленин номли колхоз бошқаруви фаоллари.

Бу колхоз ўз даласида етиштирган пахта ҳосилини ўзи қабул қилиш, сақлаш ҳамда Хива пахта тозалаш заводи билан тузилган шартнома асосида қайта ишлаш усулини тажрибада синаб кўришга 1988 йилдаёқ Хоразм воҳасида биринчи бўлиб ўтган ягона жамоа хўжалиги ҳисобланади. Дастлаб хўжалик ҳудудида колхознинг ўз тайёрлаш пункти бунёд этилиб, қисқа фурсатда тегишли механизмлар билан жиҳозланди. Пахта ғарамланадиган майдончалар қурилди.

Хўжалик синовга ўтганидан буён қайта ишлаб олган маҳсулотнинг бир қисми ҳам айни пайтда колхоз тайёрлаш пунктида сақланмоқда. Уч йил мобайнида тўпланиб қолган бу хом ашё кўп ҳам, оз ҳам эмас— 400 тонна тола, 550 тонна момиқ, линт ва улюкдан иборат бўлиб, унинг қиймати эркин нархда 22 миллион 750 минг сўмга тенг. Бунга ўтган йилги ҳосилдан кўзда тутилаётган даромадни ҳам (18 миллион 456 минг сўм) қўшиб ҳисоблаганда жамоа бугунги кунда нақд 41 миллион 206 минг сўмга эга эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Хўжаликка фақат пахтачилик, эмас, балки, жамоа чорвачилиги ҳам, қатор ёрдамчи корхоналар ҳам катта даромад келтиряпти.

Колхозда манфаатдорлик муттасил ошиб, иш ҳақи ўтган йилнинг апрель ойидаги даражага нисбатан 4,4 баравар кўпайгани ҳам диққатга молик. Бултурнинг ўзида бу ерда меҳнат ҳақи учун жамоага 6 миллион 46 минг сўм, жумладан, қўшимча равишда бир миллион 322 минг сўм сарфланди. Ҳар бир колхозчининг ўртача йиллик даромади қарийб 3200 сўмга етай деб қолди. Ғамхўрлик ҳар қачонгидан ҳам яхшиланиб, фахрийларга қўшимча равишда 7240 сўм нафақа, бир ярим ёшгача бола тарбиялаётганлар учун 478 минг сўмдан зиёд таътил (декрет) пули, беморлар ҳамда ҳомиладор аёллар учун 226 минг сўм, олти ёшгача бўлган болалар учун 774 минг сўм, олти ёшдан ошган болалар учун 543 минг сўм, ёш болакайларга кийим пули учун юз минг сўм ва ниҳоят кам даромадли оилалар учун 35 минг сўм сарфланди.

Бошқарув жамоа меҳнат аҳлига бошқа ёрдамлар ҳам уюштиряпти. Жумладан, бултур колхоз аҳолига арзон баҳода тўқсон минг сўмликдан ортиқ ҳар хил қурилиш материаллари харид қилишда кўмаклашди. Хўжаликнинг Чиноқшайх участкасида тадбиркорлик йўли билан қуриб ишга туширилган гиламчилик цехида тайёрланган 4275 квадрат-метр маҳсулотнинг 1710 квадратметри, бошқача айтганда, 157 та гилам колхозчиларга 35 фоиз арзонлаштириб сотилди. Гилам харид қилган 109 хонадон ана шу ёрдам туфайлигина бир неча минг сўм тежаб қолди.

Бу ерда қатор ободончилик ва яратувчилик ишлари амалга ошириляпти. Ғишт заводининг қувватини ошириш, ун ишлаб чиқариш цехи ҳамда йилига уч минг шартли банка маҳсулот тайёрлайдиган консерва заводи қурилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари кўриляпти.

● Жамоа аъзолари ўзларининг содиқ маслаҳатчиси ва дўсти ҳисобланган «Ўзбекистон овози»га газеталар иқтисодий танг ҳолатга тушиб қолган, бозор муносабати йўриғи чинакам исканжага олган айни пайтда ёрдам қўлини чўзишга, унинг жорий ҳисобига ўн минг сўм ўтказишга аҳд қилишиб, таҳририят билан ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолашди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РАҲМАТ АЗИЗЛАР!

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида қоғоз, бўёқ ва бошқа босмахона анжомлари жуда қимматлашиб кетганлиги сабабидан рўзномани нашр этиш харажатлари кескин ортиб кетганлиги маълум. Бу ҳақда рўзнома ижодий жамоасининг мурожаати эълон қилинган ва рўзнома ёрдам жамғармаси очилган. Ёрдам жамғармасига меҳнат жамоаларидан, ташкилот ва муассасалардан, партия идораларидан ва оддий муштарийлардан маблағлар келиб тушмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Қамаши район ХДП кенгашидан 10 минг сўм, Сирдарё вилоят ХДП кенгаши ходимлари С. Усмонов, И. Аслонов ва Х. Азизхонова ўртоқлардан 400 сўм пул келиб тушди. Рўзнома таҳририяти уларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Рўзнома ёрдам жамғармасининг банк ҳисобини эслатамиз. Тошкент шаҳри, «Ўзагропромбанк», ҳисоб-китоб рақами — 000363902, код (МФО) рақами—172682403.

ئو. ئاسیاد. کتابخانه‌سی
С.-А. Г. Б.
نومره. نومبر
Инв. №60220

П

В

СБОРНИК

ВАЖНЕЙШИХ ДЕКРЕТОВ, ПОСТАНОВЛЕНИЙ и РАСПОРЯЖЕНИЙ ПРАВИТЕЛЬСТВА Т. С. С. Р.

за 1917-1922 г.г.

С.-А. Г. Б.

10165
3
Пя 3987

Пров. 1939 г.

Издание Комиссии СНК.

г) заготовка и сбыт хлебных и прочих сельско-хозяйственных продуктов, а также приобретение необходимого для сельского населения с.-хоз. инвентаря и предметов широкого потребления на договорных началах с соответствующими учреждениями и организациями;

д) подготовка к созыву и созыв с'ездов: уездных, областных и в общереспубликанском масштабе.

3. В связи с учреждением означенного Правления Турксельхозсоюза при Ц. К. союза «Кошчи» упразднить отдел с.-х. кооперации при Наркомземе с передачей всего технического аппарата названному Правлению.

4. Предложить Ц. К. союза «Кошчи» в срочном порядке выработать подробное положение о Турксельхозсоюзе и его местных органах.

Зам. Председателя ЦИК Советов
Туркреспублики *Устабаев*.

Секретарь Турцика *Юмакаев*.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Совета Народных Комиссаров Туркестанской Республики.

10 апреля 1922 года.

№ 73.

О частном гренаже и об обязательном контроле грены.

В целях увеличения добычи грены в Туркестане, а также в ограждение Туркестанского шелководства от возможных злоупотреблений распространением недоброкачественной грены, Совет Народных Комиссаров Туркестанской Республики постановил:

1) Разрешить общественным организациям, артелям и частным лицам приготовлять целлюлярным и промышленным способом грену шелковичных червей и и продавать ее на рынках Туркреспублики.

2) Каждая организация и частное лицо, желающее приготовлять грену для распространения ее среди населения, обязаны зарегистрироваться по месту работы в Районном Отделе Туркшелка и получить специальное разрешение на открытие гренажного заведения, кустарного или заводского типа.

3) Все организации, желающие изготовлять грену, обязаны приглашать в качестве заведывающих техникой дела лиц специальных знаний. Специальности гренеров должны быть удостоверены Правлением Туркшелка. Отдельные частные лица, желающие заняться изготовлением грены для распространения ее среди населения, также должны иметь соответствующие удостоверения об их специальности, выданные Правлением Туркшелка.

4) Все частные гренажные заведения кустарного или заводского типа подлежат техническому надзору инспекции Туркшелка.

5) Вся приготовленная частными гренажными заведениями грена подлежит обязательному контролю на доброкачественность на шелководственных станциях Туркшелка, где получают бандероль на каждую коробку грены, разрешенную к распространению среди населения.

6) Всем частным организациям и лицам разрешается по соглашению с Туркшелком ввозить в Туркреспублику через посредство Народного Комиссариата Внешней Торговли заграничную грену для продажи ее на местных рынках.

7) Вся ввозимая из-заграницы грена подвергается обязательному контролю на доброкачественность на шелкостанциях Туркшелка.

8) Вся грена, местная или ввозная, признанная контролем шелкостанции зараженной или вообще недоброкачественной, уничтожается на шелкостанциях в присутствии представителя Наркомрабкри, причем убытки владельцу этой грены не возмещаются.

9) Безусловно воспрещается распространять среди населения путем продажи или другим способом грену, не имеющую бандеролей шелкстанций Туркшелка или печати Районных Отделов Туркшелка, как не подвергшуюся контролю.

10) Стоимость контроля грены определить в размере 10 коп. золотом с коробки в 6 золотников чистого веса грены.

11) Все гренажные заведения кустарного и заводского типа освобождаются от государственного промыслового налога.

12) Все лица, виновные в распространении необандероленной грены, привлекаются к судебной ответственности, а грена их конфискуется.

13) Обязать Правление Туркшелка издать в развитие сего постановления инструкцию о порядке надзора за частными гренажными заведениями и инструкцию правил обязательного контроля грены на шелкстанциях Туркшелка.

Зам. Председателя Совета Народных
Комиссаров Туркреспублики *Н. Паскуцкий.*

Зам. Управляющего Делами *Филиппов.*

Секретарь *Еэсов.*

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Центрального Исполнительного Комита Советов Туркреспублики.

1 августа 1922 г.

№ 92.

ВОДНЫЙ ЗАКОН ТУРКЕСТАНСКОЙ РЕСПУБЛИКИ.

Глава I.

Общие положения.

1. Все воды в пределах Туркестанской Республики составляют ее неот'емлемое достояние.

2. Пользование водой предоставляется:

а) для домашних нужд и водопоя скота,

б) для орошения и

в) для промышленно-технических целей.

3. Право пользования оросительной водой неразрывно соединено с правом пользования орошаемой землей и прекращается вместе с последним.

Примечание. В отдельных исключительных случаях из'ятия из этого правила устанавливаются Наркомземом в зависимости от местных условий (в Туркменской области), а также при работах сплошного водного межевания, при переустройстве ирригационной сети и при орошении из водохранилищ.

4. Определение прав на воду производится Наркомземом на основе существующего водопользования, сообразуясь с действительной потребностью и наличием водных запасов.

5. Воды, не предназначенные для использования считаются свободными, находятся под контролем соответствующих органов НКЗ и отводятся: а) для расширения существующих систем и улучшения водопользования, б) для создания нового водо-земельного фонда республики и в) для промышленно-технических целей.

6. Пользование водами в целях судоходства и рыболовства допускается в размерах, не препятствующих целям орошения и устанавливается Главным Управлением Землеустройства и Водного хозяйства по соглашению с заинтересованными ведомствами и по утверждению Совнаркомом.

7. Вода, предоставленная для определенной цели, не может быть использована для иной надобности без разрешения надлежащих органов Главземводхоза.

8. Заботы об охране древесных насаждений при арычной полосе магистральных арыков возлагаются на местные органы Водного хозяйства.

9. К устройству новых и переустройству существующих ирригационных систем наряду с правительственными организациями допускаются концессионные предприятия и оросительные товарищества.

10. В состав общегосударственного налога включается специальный налог на орошение земли, исчисляемый в зависимости от культуры или же от расхода воды, для об'единенных групп водопользователей, принимающих на себя обязанности по содержанию сети, по ремонту и техническому улучшению ее.

Глава II.

Об управлении водным хозяйством.

11. В административно-водном отношении территория Туркестанской республики разделяется на области, обнимающие собой несколько водных округов, образуемых из бассейнов рек или частей их, а также систем одного или нескольких значительных оросительных каналов, со всеми входящими в них отдельными источниками и водовместилищами.

12. Общее заведывание водным хозяйством в пределах Туркреспублики возлагается на Управление Водного Хозяйства, состоящее при Наркомземе. Внутри отдельных групп водопользователей осуществляются начала самоуправления с обязательством обслуживания, ремонта и технического улучшения сети.

13. В местностях, в которых не закончено определение прав на воду, все спорные вопросы по водопользованию разрешаются Комиссиями, ведающими земельными спорами.

14. В районах с законченным определением прав на воду спорные вопросы водопользования разрешаются Народным Судом в общем порядке.

Глава III.

О средствах на расходы по водному хозяйству.

15. Все ирригационные системы Туркреспублики разделяются Управл. Водного Хозяйства в отношении их содержания на:

1) Системы, содержащиеся средствами государства.

2) Системы, содержащиеся на средства государства лишь в части расходов, относящихся к магистральным каналам и их ответвлениям.

3) Системы, содержащиеся исключительно на средства населения.

16. Управление Водного Хозяйства, областные отделы и окружные организации содержатся на государственные средства.

17. Водные надсмотрщики (арык-аксакалы) с находящимися в их распоряжении младшими служащими содержатся за счет местных сборов.

18. Мирабы получают содержание от групп водопользователей заведуемого им околодка.

19. Содержание низшей водной администрации, а также эксплоатационные расходы местного значения производятся на средства местного обложения.

Глава IV.

Об отводе земель под гидротехнические сооружения и о пользовании последними.

20. При постройке новых оросительных систем и при переустройстве существующих, а равно для нужд гидротехнических сооружений, отчуждение земельных участков производится на основании существующих законоположений.

21. Использование и переустройство существующих каналов и гидротехнических на них сооружений происходят с разрешения в каждом отдельным случае Управления Водного Хозяйства.

Глава V.

О натуральной и денежной повинности для ирригационных работ.

22. Каждая группа водопользователей, в том числе и города, равно и государственные учреждения (за исключением опытно-исследовательских) и предприятия, пользующиеся водой из оросительных каналов, участвуют личным трудом или трудом наемных рабочих в доставке необходимых строительных материалов и инветаря, в исправном содержании и текущем ремонте ирригационных систем и сооружений. Натуральная повинность может быть заменена в отдельных случаях, с согласия органов водного хозяйства, денежными взносами.

23. Требование от водопользователей арб и подвод для ирригационных работ производится в порядке трудгужналога.

24. Распределение между водопользователями натуральной повинности производится Исполкомами, согласно сметных соображений.

25. В исключительных случаях, угрожающих расстройством ирригационных систем, как равно и в случаях стихийных бедствий, местным органам водного хозяйства, за ответственностью их, предоставляется право экстренного вызова населения на работы через Исполкомы, немедленно уведомляя о том соответствующие учреждения Комиссариата Внутренних Дел.

Глава VI.

О пользовании водой бассейнов общих с сопредельными странами.

26. Пользование водой бассейнов, общих с сопредельными государствами, определяется особыми о том постановлениями.

Глава VII.

Правительственная и частная инициатива при устройстве новых и переустройстве существующих систем.

27. В целях скорейшего развития и упорядочения водного хозяйства Туркреспублики к делу устройства и переустройства ирригационных систем привлекаются частные предприятия и организации, при чем:

1) Кооперативные об'единения и товарищества по земле-водопользованию пользуются правом: а) самостоятельного распределения воды между своими членами, б) развития орошаемой площади за счет повышения коэффициента полезного действия систем, в) использования гидравлической энергии в пределах своей системы, г) самостоятельного распределения денежного водного сбора и натуральной повинности между своими членами для содержания и ремонта систем.

2) Строительные кампании по устройству новых и переустройству существующих ирригационных систем и по использованию гидравлической энергии действуют на основании особых договоров, заключаемых ими с правительством.

3. Концессионные предприятия разрешаются на основании утверждаемых правительством кондиций.

28. С изданием настоящего постановления действующее ныне положение о пользовании водами в Туркреспублике утрачивает свою силу.

Зам. Председателя ЦИК ТССР *Устабаев.*

Зам. Председателя Совета Народных Комиссаров ТССР *Хамутханов.*

Зам. Секретаря Турцика *Рай.*

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Центрального Исполнительного Комитета Советов Туркестанской Республики

1 августа 1922 г.

О мерах поощрения садово-виноградых хозяйств.

1. Все садовые хозяйства площадью до 8 десятин и виноградные до 4 десятин закрепляются в постоянное пользование их фактических трудовых землепользователей и отчуждению или передаче в другие руки не подлежат.

Примечание. Садовыми и виноградными хозяйствами считаются участки, имеющие не менее половины площади, занятой насаждениями.

2. Национализированные и отобранные в порядке земельной реформы садово-виноградные хозяйства, площадью своей не превышающие указанного в п. 1 настоящего постановления размера, могут быть возвращаемы их прежним владельцам по рассмотрении вопроса в специальных комиссиях, организуемых Наркомземом.

Примечание. 1. Садово-виноградные хозяйства, находящиеся в пользовании коллективов рабочих и содержащиеся ими в надлежащем порядке, остаются в пользовании указанных коллективов.

2. Действие настоящей статьи не распространяется на участки, отведенные Институтам Просвещения, в отношении которых постановление Турцика от 11 июня с. г. за № 71 сохраняют свою силу.

3. Из садовых и виноградных хозяйств, расположенных на нескольких участках, не лежащих в общей меже и не превышающих указанной в п. 1. настоящего постановления нормы, за фактическим пользователем оставляется, по его выбору, лишь один из участков.

4. Закрепление садово-виноградных хозяйств производится Обземотделами, постановления коих могут быть обжалуемы в Коллегию Наркомзема.

5. Садово-виноградным хозяйствам предоставляется право свободного найма рабсилы в период сезонных работ при условии соблюдения кодекса законов о труде и всех других законов, направленных к защите трудящихся.

6. В случаях гражданской или военной мобилизации пользователей садов и виноградников за ними сохраняется принадлежащее им право пользования данным садом или виноградником.

7. Лица, виновные в нанесении какого-либо ущерба садово-виноградным хозяйствам, подлежат ответственности, как за порчу и истребление народного имущества.

8. Поручить Наркомзему разработку и проведение в жизнь различных форм премирования образцовых хозяйств.

9. Предоставить Наркомзему право сдавать в долгосрочную аренду как частным лицам, так и организациям, под вновь организуемые садово-виноградные хозяйства и питомники свободные земельные участки на особо-льготных условиях.

Зам. председателя ЦИК Советов Туркреспублики *Устабаев.*

Зам. председателя Совета Народных Комиссаров ТССР *Хамутханов.*

Зам. Секретаря Турцика *Рай.*

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Центрального Исполнительного Комитета Совета Туркестанской Республики.

15 августа 1922 г.

№ 100.

В целях восстановления и развития животноводства и создания устойчивого и соответствующего бытовым и хозяйственным условиям положения скотоводческих хозяйств Центральный Исполнительный Комитет Туркреспублики постановил:

1. Животноводство, независимо от вида разводимых животных, как в кочевом, так и оседлом быту составляет совершенно свободное занятие каждого гражданина Туркреспублики и никаким ограничениям и стеснениям не подлежит, вследствие чего воспретить всякого рода из'ятия и перераспределения скота.

2. Во всех случаях наложения взысканий за невыполнение государственных обязательств или платежей по приговорам суда отчуждению не подлежат: а) племенные ценные животные (матки и производители), б) их приплод, поскольку его из'ятие из хозяйства могло бы подорвать его существование. Кроме того не подлежит отчуждению за долги тот минимум в 24 головы овец или соответственного количества животных других видов, который признается необходимым для обеспечения семьи животновода.

3. Взятые на учет животноводческие хозяйства снимаются с учета и оставляются за прежними владельцами.

МАҲАЛЛАДОШЛАР ҚУВОНЧИ

Баҳор нафаси елиб турган субҳидамданоқ сурнай навоси таралиб, маҳалладошлар тонгни ўзига хос сарҳушликда қаршиладилар. Кўп ўтмай, савоб кетидан қувган Фатхулла ака Исроилов ҳам сурнайга ноғора ва карнайларни улаб, тантанага янада файз киритди. Ҳар тарафдан гуруҳ-гуруҳ одамлар кела бошлаганда, тўкин дастурхон узра Аъзам Абдуллаевнинг қўшиқлари янграй бошлаган эди.

— Табиат яшнаб, баҳор келинчакдек сепини ёзганда Наврўзи оламни нишонлашнинг ҳам ўз завқи бўлади, — дейди Тошкентдаги «Ракат» маҳалла қўмитасининг раиси Аҳмаджон Обидов.— Отахонлар билан бамаслаҳат анъанавий сумалак ўрнига ҳалим тайёрлашни лозим топдик. Боиси, ҳалим ҳам илик узилди чоғларида одамларга дармон таомлардан бири саналади. Маҳалладошлар қувончини баҳам кўриш учун Яккасарой, Абдулла Авлоний ва Муқимий номли маҳаллалардан таклиф қилинганлар келиб, дастурхонимиздан баҳам кўриб, бизни мамнун этишди...

Тантанада савлат тўкиб ўтирган Йўлчи Саидов, Раҳмат Аҳмаджонов, Суннат Бўриев, Юсуф Мирзаев, Усмон Дадамуҳамедов, Абдураҳим Абдунабиев ва Фазлиддин Жамоловлар дуо қилишиб, юртимизга тинчлик ва фаровонлик, истиқлолга умр-барокат тиладилар.

М. АНВАРОВ.

СУҒУРТА ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистоннинг Германияда яшаш учун жўнаб кетишга аҳд қилган немис миллатига мансуб фуқаролари эндиликда ўз ҳаётлари ва мулкларини Тошкентда суғурта қилдиришлари, тегишли пулни зарур бўлган тақдирда ГФРда немис маркаси билан олишлари мумкин.

Собиқ совет немисларининг «Видергибуртбанк»ининг Ўзбекистонда ташкил этилган «Ризико» суғурта жамияти Германиядаги фирмалардан бири билан шу хусусда шартнома тузди. «Видергибуртбанк»нинг қароргоҳи Олмаотадир.

Агар одам бирон бир сабабга биноан Ўзбекистонни тарк этишдан воз кечса, суғурта ҳужжати бўйича пулни сўм ҳисобида олади.

(ЎзА мухбири).

• МИНГБУЛОҚДАН МАКТУБЛАР •

I. ЖАҲОНИЙ КЎРСАТКИЧ

● Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг Наманганнинг донг-довруғи олам-жаҳонга машҳур бўлиб кетди. Очиғи, шу кеча-кундузда Наманган дейилса — нефть, Мингбулоқ кони дейилса — бутун Фарғона водийси, Ўзбекистон «қора олтини» тушунилмоқда. Бу тушунчаларда айни ҳақиқат балқиб турибди.

Нефть фаввораси олтин водийнинг уч вилояти елкалашиб турадиган майдондан — Наманган районининг «Зарбдор» жамоа хўжалигига қарашли ҳудуддан сапчиб чиқди. Конни жиловлаш, тошиб чиққан нефть бойлигини саранжомлаш, хавфсизлик чора-тадбирларини кўришда ҳам водий вилоятлари ва Ўзбекистон мутахассислари бир ёқадан бош чиқариб мардона меҳнат қилмоқдалар.

Ушбу коннинг заҳмат-машаққатлари «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Андижон вилоятидаги Мингбулоқ нефть қидирув-бурғулаш экспедицияси жамоаси фаолияти билан боғлиқ. Мутахассисларнинг мулоҳазасига кўра, нефть чиққан Орол майдони, унинг яқин атрофидаги Чордона, Қизилтол қишлоқлари ҳам геологик жиҳатдан Мингбулоқ қишлоғида жойлашган экспедиция тасарруфига киради. Шунга кўра, нефть фаввораси кўз очган жойнинг геологик майдон маъносида Мингбулоқ номи билан аталишида илмий, амалий ҳақиқат бор, деб ўйлаймиз. Бунинг устига, нефть кони жойлашган майдон яна қайси қишлоқлар тагида ястаниб ётганлиги тўкис аниқланиб бўлган эмас. Кончи-мутахассислар фикрича, ҳали яна қўшимча қудуқлар очиш, пармалаш ишларини олиб бориш мўлжаллари ҳам бор.

Ва ниҳоят, Мингбулоқ нефть кони фаввораси ҳақида хабар топган ҳар бир киши, у — деҳқонми, ишчими, зиёли ё мутахассисми, бундан қатъи назар — ҳамма бу воқеа хусусида барча янгиликларни бирданига билишга иштиёқманд. Бир ҳисобда шунисига ҳам шукур. Яқин ўтмишда ерости заҳираларимиз ҳақидаги маълумотлар сир тутилганди. Конлар топилган тақдирда ҳам уларнинг нималиги, таркиби, заҳиралари ҳажми-ю салмоғи ошкор қилинмасди. Ерости бойликларимиз Иттифоқ тасарруфида саналиб, марказдаги давлат хазинаси мулки сифатида ташиб кетиларди.

Бу нефть конининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари хусусида батафсил маълумотларни айтиш фурсати яқин. Лекин ҳозирча шуни таъкидлаш керакки, Мингбулоқ Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган куни ўзи ҳақида баралла дарак берди, шу йилнинг 2 март куни мустақил Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ичра тан олинишини муборакбод этгандай ер остидан нефть намунаси фаввора бўлиб отилиб чиқди. Бу, яна бир рамзий маънони ҳам ифода этади. Ўзбекистонни жаҳон танимоқда, унинг сиёсий мустақиллиги энди иқтисодий жиҳатдан ҳам таъмин этилади, Ўзбекистон нефть мустақиллигига ҳам эришади. Мингбулоқ конининг қарийб бир ярим ой мобайнида ўзи ҳақида кеча-ю кундуз демай дарак бераётгани, фаввора бўлиб отилаётгани, ҳайқираётгани шундан нишона!

Наманган нефтининг бу ҳайқириғи фақат республика жамоатчилигини эмас, жаҳондаги ман-ман деган нефтчи мутахассисларни ҳам қизиқтириб қўйди. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти бу ердаги ишларнинг боришини доимий назоратга олди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раислигида жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг сайёр кенгаши ўтказилди. Унда Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари, барча вазирликлар, Андижон, Фарғона ва Наманган вилояти ҳокимликлари вакиллари, етакчи нефтчи мутахассислар иштирок этдилар. Нефть фавворасини жиловлаш, отилиб чиқаётган қимматли хом ашёдан самарали фойдаланиш борасида кечиктириб бўлмайдиган вазифалар белгилаб олинди.

Долзарб ишларни уюштириш, юзага келган муаммоларни ҳал этиш юзасидан бу ерда штаб ишлаб турибди. Штаб фаолиятини республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Қ. Ж. Ҳаққулов бошқармоқда. Ғоят қисқа фурсатларда 1 миллион куб метрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди. 10 километрдан зиёд йўл тармоғи, кўприклар, 1,5 минг киши истиқомат қиладиган вагонуйлар шаҳарчаси бунёд этилди. Бу юмушлар Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари ҳокимликлари, қурувчи ва монтажчиларининг ғайрат-шижоати билан рўёбга чиқарилди.

Хўш, бу ердаги энг сўнгги янгилик нима? Янгиликлар кўп. Лекин улар ичида ҳамма тикилиб турганги — фаввора! Тўғри, нефть фаввораси отилиб чиққанидан буён 6 ҳафта чамаси вақт ўтди. Биз нефтчилар муваққат шаҳарчасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан ташкил этилган матбуот марказидамиз.

— Фавворанинг жиловланиши энг муҳим, долзарб масала, — изоҳ беради матбуот маркази раҳбари, катта эксперт Ўнгар Жабборович Саддибеков. — Барчанинг диққат-эътибори шунга қаратилган. Нефть фавворасини аввало ёндириш ва шу йўл билан жиловлаш кўзда тутилганди. Бу борада дастлабки марра эгалланди. Бебош фаввора ер юзига чиққаётган нуқтада ёндирилди. Нефтчилар минораси олиб ташланди. Лекин сизиб чиқаётган нефть аввалдан тайёрлаб қўйилган «сунъий омбор»ларга тушиб, бу ерда ҳам аланга ер ялаб юрибди.

Аслини олганда, асосий қаҳрамонлик шу ерда намоён бўляпти. Жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган уста нефтчилар, етакчи мутахассислар кон қудуғи ҳиқилдоғи атрофида ловуллаб турган олов қўламини торайтириш ва ниҳоят алангани ўчириш юзасидан зарур чоралар кўришяпти. Қудратли бульдозерларни бошқараётган махсус кийимдаги механизаторлар аланга ўрлаб турган зонада тупроқ суриш ишларини мардларга хос жасорат билан адо этаётирлар.

Бахтимиз чопиб хонага кирза этик, бризентнамо матодан тикилган махсус кийимдаги икки киши кириб келди. Биз уларни бир неча соатдан буён муштоқ кутардик. Суҳбатимиз қизиб кетди.

— Бир гапни айтиб қўяй, — деб таъкидлади «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Анвар Норматович Норматов жиддий тарзда. — Сиз меҳмонсиз, лекин барибир журналистлардансиз. Юзма-юз учрашиб турганимиздан фойдаланиб, бир гинамизни очиқ айтмоқчиман. Кўнглингизга олманг-у, телевидение, радио ва айрим оммавий ахборот воситаларининг баъзи мухбирлари Мингбулоқдаги вазиятга тўғри баҳо беролмаяптилар. Уларнинг фикрича, гўё фавворани жиловлашда Америка технологиясига асосланилаётган эмиш.

Ўзбекистон нефтчи мутахассисларининг кон қўзини беркитиш борасида қўллаётган тадбирларини Тюмень, Москва, Грозний каби минтақалардан келган ҳамкасблар ижобий баҳоладилар. Яқингинада Америка Қўшма Штатларидан келган консорциум президенти жаноб Стенли Корнейлиус жумладан бундай деди:

— Ўзбек мутахассислари, уларга ёрдамга отланган кишилар вужудга келган вазиятда билимдонлик билан ишлаганини кўрдик. Нефть оқимининг кенгайиб кетиши, атрофдаги аҳоли хонадонлари, сув ўзанлари, экинзорлар зарарланишининг олдини олишда жуда оқилона тадбирларни ишга солишган.

Тўғри, чет эллик мутахассислар келиб-кетиб туришибди. Ҳатто АҚШнинг икки етакчи мутахассиси ҳамон шу ерда. Улар фавворани тизгинлаш юзасидан ишлаб чиққан режаларимизга қизиқиб қарашди. Ўзбекистон мутахассислари мўлжалларини қўллаб-қувватлашяпти. Кейинги вақтда кўрган тадбирларимиз натижасини ўз кўзлари билан кўриб, тасанно айтишди, ўз лаҳчаларида «окей» деб юборишди.

— Сирасини айтганда,— дея суҳбатга қўшилди Ўзбекистон Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раисининг ўринбосари, фавворани бартараф этиш бўйича техникавий раҳбар Акбар Раҳимов, — нефть конини кашф этган, унинг булоғини очган Ўзбекистон нефтчиларидир. Шунинг уддасидан чиққан мутахассисларимиз қолган ишларни, жумладан фавворанинг танобини тортиб, ўз изимизга солишга ҳам қодирмиз. Хориждан мутахассислар кузатувчи бўлиб юришибди. Лекин улар бизнинг ишларимизга аралашаётганлари йўқ.

Ҳозир Мингбулоқ қудуғи ҳудудидаги барча ишлар аввалдан ишлаб чиқилган, кейинги вақтда такомиллаштирилган бош режа асосида бир маромда оғишмай амалга ошириляпти Ишонамизки, бу борада ишлаб чиқилган ўз йўлимиз кон тақдирини белгилаб беради. Шуни ҳам айтиб қўяй: фавворани ўз йўлимизга солиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда, ҳатто ундан олдинроқ натижа бериб турибди.

Уч етакчи мутахассис билан бақамти суҳбатимиз давомида муҳтарам муштарийлар кутган кўп саволларга жавоб олдик, десак муболаға эмас. Энг муҳим хулоса шуки, бирор ҳафта чамаси вақт ўтар-ўтмас афсонавий довруғ таратган Мингбулоқ фаввораси жиловланади. Нефть булоғи кўзини зичлаб ёпишга алоқадор барча тадбир кўриб қўйилди. Зарур ускуналар тайёрланди.

Хуллас, Мингбулоқ кони хусусида минг бир ҳикмат айтиш мумкин. Шулардан айримлари ҳақида мулоҳаза юритсак, лаборатория таҳлилларининг далолатича, бу ердан отилиб чиқаётган нефтдан халқ хўжалиги учун зарур бўлиб турган 100 хилга яқин маҳсулот олиш мумкин. Бора-бора бу Ўзбекистоннинг нефть мустақиллигини ҳам таъмин этади, деб баҳоланмоқда. Бу — қувончли, кўнгилни кўтарадиган дастлабки хулоса.

Иккинчи хулоса шуки, мутахассислар фикрича, нефтчилик амалиётида қизиқ-қизиқ воқеалар бўлади. Айрим кон қудуқларида фаввора маълум муддат маҳсулот бергач, аста-секин босим камая боради. Мингбулоқ қудуғи истиқболли саналади. Дастлабки кунлари, яъни 2—3 мартда бир кеча-кундузда 830—1000 куб метр нефть бераётганди. 6 март куни бу рақам 5000 ни ташкил қилди. Сўнгги кунларга келиб эса ҳар кеча-кундузда 10.000 куб метр маҳсулот ер қаъридан катта босимда отилиб чиқди. Бу эса жаҳон нефтчилиги амалиётида етакчи кўрсаткич ҳисобланади. Илова тарзида айтиб қўйиш керакки, Эрондаги нефть қудуғи бир кеча-кундузда 11 минг куб метр маҳсулот бераётган бўлса, нефтчиликда машҳур саналган Қувайтнинг энг катта қудуғи 7—8 минг куб метр шундай маҳсулот бериб турибди.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Суратда: Каримжон Нарзуллаев бошлиқ нефтчилар бригадаси аъзолари. Улар Мингбулоқ майдонидаги чуқур қудуқни пармалашда ғайрат кўрсатишган.

Суратқаш П. АКБАРОВ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЧУН МАСЛАҲАТ-МУЛОҚОТ

● Халқнинг ҳуқуқи ва манфаатларини қонуний, парламент йўли билан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг муҳим йўналишидир. ХДП Дастури ва Низомида мустақил ва гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонни, демократик ва ҳуқуқий жамиятни қуришдан иборат мақсадларимизни рўёбга чиқаришда партия аъзолари бўлган халқ депутатларининг аҳамияти алоҳида таъкидланган. Одамлар юксак ишонч билдириб сайлаган халқ депутати, у мутахассисми, ишчи, деҳқон, зиёлими, умуман ким бўлишидан қатъи назар, фуқаролар наказларини бажаришда, Кенгашларнинг сессияларига тайёргарлик кўришда, ҳокимликлар билан ҳамкорликда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасидаги ишларда, хуллас, барча депутатлик юмушларида ХДП кенгашлари ва ташкилотлари томонидан ҳар томонлама мадад олишга ҳақлидир.

Депутатларимиз эндигина — республика давлат мустақиллигига эришгачгина, давлатни бошқариш тажрибасини касб сифатида ўзлаштиряптилар. Кўпгина депутатлар қандай иш олиб бориш лозимлиги ҳақидаги саволлар билан мурожаат қилиб, ёрдам беришни илтимос қилишяпти. Рўзномамиз таҳририяти ХДП Марказий Кенгашининг парламент иши ва партиялараро алоқалар бўлими билан биргаликда рўзнома саҳифаларида халқ депутатлари учун маслаҳатлар бериб боришга қарор қилди. Хоҳлаган депутат — у партиямиз аъзосими ёки бошқа партияданми, партиясизми, барибир, бемалол бизга мурожаат қилиб, жавоб олиши мумкин. Депутатларга Олий Кенгашдаги ҳамкасбларингиз, етакчи олимлар, республика давлат ҳокимияти олий органлари аппаратининг масъул ходимлари илмий-ҳуқуқий ёрдам беришга тайёрдирлар. Биз фақат депутатларнигина эмас, айни пайтда барча муштарийларни хорижий мамлакатлардаги парламентлик фаолияти, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тажрибалари билан ҳам таништириб борамиз. Албатта, бизга маданиятлари яқин давлатлар тажрибасига алоҳида эътибор берилади.

«Депутатларга маслаҳатлар» ҳар ойда икки марта эълон қилинади. Ҳурматли халқ депутатлари, муштарийлар саволларингизни, истак ва таклифларингизни кутамиз. Эҳтимол, айримлар ўзларининг депутатлик фаолиятларида орттирган тажрибаларини ўртоқлашишар ёки халқ вакилларига қимматли маслаҳатларни беришар. Шундай қилинса нур устига аъло нур бўлур эди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ ТАҲРИРИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПАРЛАМЕНТ ИШЛАРИ ВА ПАРТИЯЛАРАРО АЛОҚАЛАР БЎЛИМИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТИ Р. М. НАСИМОВНИНГ ДЕПУТАТЛИК ВА ПАРТИЯВИЙ БУРЧ ҲАҚИДАГИ ЎЙЛАРИ

«Мен бинокорман. Мен иш натижаларини кўришим керак», Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Самарқанддаги 1-деҳқончилик саноати комбинати бошлиғи Райим Маҳмудович Насимов суҳбатни ана шу сўзлар билан бошлади.

Райим Маҳмудович депутатликка муқобиллик асосида беш номзод ичидан сайланди. Унинг рақиблари Самарқанднинг обрўли кишилари бўлиб, бири рўзғор музлатгичлари заводининг директори, иккинчиси шаҳар режа бошқармасининг бошлиғи, учинчиси — тиббиёт билим юртининг директори, тўртинчиси эса сут комбинатининг донгдор бригадири эди. Хўш, одамлар нима учун Насимовни сайладилар? Эҳтимол кишилар айтгандай, у халқ қандай нафас олиб, нимани ўйлаётганини яхши билгани учун ҳам сайлангандир. Соддароқ қилиб айтсак, Райим Маҳмудович одамларга ғамхўрлик қилишни ўрнига қўяди, ўз ишини шовқин-суронсиз, хотиржамлик билан бажаради. Асосий диққат-эътиборини уй-жой қурилишига қаратган. Унинг сайлов округида одамлар кўп қаватли уйларда яшашади.

— Қурувчи сифатида, — дейди у, — шуни айтишим лозимки, биз яшаётган уйларни тиклаган кишилар виждонсизлик қилганлар. Чунки уларда маиший бинолар, савдо нуқталари кўзда тутилмаган. Иссиқлик шоҳобчалари зўрға ишламоқда. Яхшиям бу йил қиш совуқ бўлмади. Аҳволни ўнглаб олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Уй-жойлардан фойдаланиш идораларига тинчлик бераётганимиз йўқ. Имкони бор жойларда резервларни, корхонамиз кучларини жалб этяпмиз. Комбинат катта қурилиш қувватига эга. Микрорайонларда суғориш шоҳобчаларини тикламоқдамиз. Аҳс ҳолда кўкаламзорлаштириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Райим Маҳмудович катта инсоний сиёсат бир қарашда кичик, майда бўлиб кўринган ишлардан бошланади, деб ҳисоблайди.

Бир куни ҳузуримга хаста қари кампир кириб келди. «Ўғлим, — деди у, — уйим совуқ. Батареялар иситмаяпти. Ёрдам берсанг». Кўнглини кўтариб чиқариб юбордим. Албатта, тузатиб бердик. Ёрдам бермаслик эса виждонсизлик бўлур эди.

Насимов «виждон» сўзини тез-тез такрорлайди. Райим Маҳмудович бунда инсон қадриятининг олий тушунчасини назарда тутади. Шу боис ўзи сайланган сайлов округи жойлашган Темир йўл райони ҳокими Анвар Ризаевич Ҳасановни батартиб, виждонли деб биладi. Унда тўрачилик хусусиятлари йўқ, ободонлаштириш масалаларини қадам-бақадам ҳал қилиб бормоқда, одамларнинг озиқ-овқат дўконларидан қуруқ қайтиб чиқмасликлари учун қайғуради. Ҳоким билан депутатларни янада яқинлаштирган. Умуман олганда бу — Самарқанднинг ўзига хос хусусияти дейиш мумкин.

Райим Маҳмудович ўз округидаги тўққизта болалар богчаси ва бешта мактабга шунчаки, меҳмонга бормайди. У тарбиячилар ва муаллимларнинг кўпини танийди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Насимов раҳбар сифатида ўзи бошчилик қилаётган саккиз минг кишилик бинокорлар жамоасидаги барча бригадирларни ҳам шундай яхши билади. Биз у билан Наврўз айёми арафасида учрашдик. Корхонада улуғ айёмни болалар боғчасида тарбияланувчилар билан биргаликда кутиб олишга ҳозирлик кўришаётган экан. Райим Маҳмудович амалий суҳбат ўртасида биздан кечирим сўради-да, болаларга аталган тортлар ва конфетларни эсдан чиқармадингларми, деб сўраб қолди.

Насимов ўзининг депутатлик фаолиятини ташкил этишга муҳандисчасига ёндашади. Унинг округидан район, шаҳар, вилоят кенгашларига сайланган 17 нафар халқ депутати бор. Уларнинг ҳаммаси ташаббускор депутатлик гуруҳига бирлашишган. Топшириқлар ҳар бир ноибнинг тажрибаси ва имкониятларига қараб тақсимланган. Депутатларнинг қабул кунларида улар қанчадан-қанча муаммоларга дуч келишмайди, дейсиз. Уларнинг кўпини жойларнинг ўзида ҳал этиш мумкин. Агар муаммо ечилмай, у шаҳар ва вилоят маъмурларига ёки жумҳурият идораларига бориб тақаладиган бўлса, у ҳолда Райим Маҳмудович ишга киришади.

— Ташаббускор депутатлик гуруҳи, — таъкидлайди Райим Маҳмудович, — ҳар бир ноибга ўз имкониятларини намойиш этишга, куч-ғайратларни энг муҳим масалаларга жамлашга ёрдам беряпти. Биз шундай йўл билан ўзаро ҳамкорликда болалар боғчалари ва мактабларда овқатланишни ташкил этишда тартиб ўрнатдик.

Ҳақиқатда ҳам ноибларнинг бир қисми, айниқса улар оддий ишда ишласалар, якка ҳолда бирон муаммони ҳал қилишлари қийин. Раҳбарлик лавозимидаги депутатлар очиғи, кўпинча ноиблик бурчларини адо этишлари учун керакли вақтни ҳамма вақт ҳам топавермайдилар. Ташаббускор депутатлик гуруҳи Р. М. Насимовнинг яхшигина рационализаторлик таклифи бўлиб, у муваффақиятли равишда жорий қилинди.

Фуқаролар тўғрисидаги кундалик ғамхўрликларнинг ҳаммаси муҳим масала. Аммо республика халқ депутатининг яна бир зарур ноиблик бурчи ҳам борки, у эндигина атак-чечак қилаётган парламентимизда ишлаш, одамлар учун адолатли, фойдали қонунларни яратишда қатнашишдир.

Депутат Насимов — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Унинг фикрича, депутат парламентда фақат ўз сайловчилари номидангина эмас, айни пайтда халқ манфаатларини ҳимоя қилиш учун тузилган партия номидан ҳам иш кўриши керак.

— Имоним комилки, — дейди Райим Маҳмудович, — ХДПга аъзо депутатлар сессиялар давомида энг ўткир масалалар юзасидан бир-бирлари билан тез-тез маслаҳатлашиб туришлари лозим. Парламентимизда бундай масалалар етарли. Агар зарурат туғилса, асосий мажлислардан кейинги танаффуслар пайтида ҳам шошилинч тўпланишни таклиф қиламан. Биз партиямизнинг ва бизнинг бугун депутатлик корпусимиз нуқтаи назарини қатъият билан ишончли тарзда ҳимоя қила оладиган нотиқ ноибларни аниқлашимиз керак. Мен, — сўзида давом этади Насимов, — ХДП депутатлик гуруҳини рўйхатга олишни чўзаётган Олий Кенгаш Раёсатига ҳеч тушуна олмаяпман. Ахир, бу — Олий Кенгаш регламентига зид-ку!

Депутатни ўйлантираётган, ташвишлантираётган масалалар кўп экан. У ХДП аъзолари парламентдаги мунозараларда ўз партияларининг Раиси, Президент И. А. Каримовни ҳамма вақт ҳам қўллаб-қувватлаяптилар, деб ҳисобламайди.

— Биз аҳиллик билан овоз берамиз. Бироқ, бу камлик қилади. Парламентдаги муҳокама жамоатчилик фикрига катта таъсир қилади. Шундай экан, ХДП ҳар доим ҳам ташаббускорлик қиляптими?

Ўтган сессияда депутат Насимов сўз сўради. Афсуски, музокаралар тўхтатилди. Хўш ўшанда нима демоқчи эди у?

— Мен бозор иқтисодиёти сари илгарилашни ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтиришни қўллаб-қувватламоқчи эдим. Яширмайман, биз, шу жумладан, ХДП жамоатчилик фикрини нархноларнинг эркинлаштирилишига ёмон тайёрладик, деб ҳисоблайман. Халқ билан, Президент ҳаракат қилаётганидай, ошкора, очиқчасига гаплашиш, мулоқотга киришиш керак.

— Агар бугун президент сайлови ўтказилгудай бўлса, И. А. Каримов 95 фоиз овоз оларди, — дейди Р. М. Насимов. — Бунга аминман.

Оддий кишиларнинг Каримовга ишончи барқарорлик омилидир. Мабодо халқ ўз Президентига ишончни йўқотса, Ўзбекистон учун бу миллий фожиага айланади. Биз, депутатларнинг ҳар бири, хўжалик раҳбарларининг ҳар бири ўз-ўзиға: «Хўш, қонунлар ва фармонларни бажариш учун нима иш қилдим?» — деб савол бериши лозим.

Насимов — партиянинг норасмий ходими. Суҳбат қайси мавзуда айланмасин, барибир гап партия обрўсини мустаҳкамлаш муаммосига бориб тақалади.

— Билмадим, яхшими, ёмонми, лекин Ўзбекистонда одамлар энг аввало, раҳбарларга қараб тўн бичишади. Афсуски кўпгина корхоналар, хўжаликларнинг бошлиқлари ҳозирча ХДПнинг сиёсий йўли тўғрисида кам билишади. Янги партия жамиятда холис ахборотларнинг тарқалишига кўмаклашиши даркор. Албатта, бунда фақат рўзномалар, радио, телевидение билан иш битмайди. Партия раҳбарларининг халқ билан жонли мулоқоти зарур.

Райим Маҳмудович партия аъзоси бўлган раҳбардар, йирик мутахассисларга аниқ-равшан муаммолар юзасидан фикрлар айтишни ёхуд ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳлил этиш учун ташаббускор гуруҳларни шакллантиришни таклиф қилмоқда. Унинг фикрича, бундай гуруҳлар партиянинг марказий, вилоят ва бошқа кенгашларига зарур таклифларни топиб, тайёрлаб бера олади.

— Мен партиямизнинг кундан-кунга қудратли сиёсий кучга айланиб боришини истайман. Раҳбарлик курсиси обрў яратадиган даврлар ўтиб кетди. Ўз йўлимизсиз, одамларни тушунмай, улар қалбига кирмай туриб, ҳокимиятнинг барча органларида ишончли партия аъзоларисиз, бунга эришиб бўлмайди. ХДП да энг асосийси — партия ходимлари эмас, балки партия аъзоларидир. Мен ўзим учун шу йўлни танладим.

Суҳбатдош Я. УМАНКСИЙ.

ЁШЛАР МУАММОЛАРИГА— ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

Давлатнинг ёшларга доир сиёсати қандай амалга оширилаётганлиги 13 апрель куни Тошкентда иш бошлаган семинар-кенгашнинг мавзуси бўлди. Уни Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг марказий комитети Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ёшларга доир сиёсат комитети билан биргаликда ўтказмоқда.

Семинарда Ёшлар иттифоқи вилоят ва шаҳар комитетларининг котиблари, республика вилоятлари ва катта шаҳарларидаги ҳокимиятларнинг масъул ходимлари қатнашмоқдалар.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсати асослари тўғрисидаги қонунни амалга оширишда жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар вазифаларини муҳокама қилдилар. Бу қонун кучга киргандан сўнг бир неча ой ичида уни амалга ошириш муайян натижалар берганлиги таъкидланди. Ҳозир деярли ҳар бир районда ёшлар жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғармалар корхона ва ташкилотлар ўз фойдаси ҳисобидан ажратаётган маблағдан ташкил топмоқда. Жамғарма пуллари камбағалларга, ёш оилаларга, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатишга сарфланмоқда.

Ёшларнинг бошлаган янги ишлари шу жамғарма ҳисобидан пул билан таъминланмоқда.

Бироқ анжуман қатнашчилари таъкидлаганларидек, жойлардаги давлат тузилмалари вакиллари ёшларнинг эҳтиёжларини ҳамиша ҳам эътиборга олмаётирлар. Шу сабабли катта шаҳарлар ва районлар ҳокимиятлари ҳузурида ёшлар билан иш олиб борувчи махсус бўлинмалар тузишга қарор қилинди. Шунингдек республика миқёсида бу бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган ёшлар ишларига доир давлат кенгаши тузиш таклиф этилди.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, республика Олий Кенгаши ёшларга доир сиёсат комитетининг раиси А. Аъзамхўжаев қатнашдилар.

(ЎзА мухбири).

ҚАЙСИ БИРИ МАЪҚУЛ?

Ҳурматли муштарий!

«Ўзбекистон овози»нинг 1992 йил 3 ва 19 март сонларида расмий ҳужжат ва ёзишмаларда кўп қўлланадиган атамалар рўйхати берилган эди. Шу муносабат билан Сизлардан жуда кўп таклифлар, маслаҳатлар олдик. Бу таклифларингиз атамаларни тўғри танлашдек мураккаб ишда шубҳасиз катта ёрдам беради. Шуни ҳисобга олиб, яна бир қанча зарур атамалар рўйхатини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

акт—далолатнома	пенсионер—нафақачи
арбитр—ҳакам	пенсия—нафақа
арбитраж—ҳакамлик	программа—дастур
архив—ҳужжатхона	регион—минтақа
ветеран—фахрий	совхоз—давлат хўжалиги
гарантия—кафолат	справка—маълумотнома
декларация—баёнот	стилистика—услубият
заказ—буюртма	заявка—буюртманома
инструкция—йўриқнома	категория—тоифа
коллектив—жамоа	колхоз—жамоа хўжалиги
командировка—ишсафар	лауреат—совриндор
методика — усулият	

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси.

ҚЎШИМЧА ИШ ЖОЙЛАРИ

Андижон районидаги халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг Оқтепа филиали ишчилари Хитой Халқ Республикаси савдо-саноат фирмаси билан қўшма корхона тузишга аҳд қилдилар. Ўзаро ҳамкорликда имзоланган битимга кўра, мазкур янги корхона тери ошлаш ва чарм-мўйнадан 8 турдаги маҳсулотлар тайёрлаш билан шуғулланади.

Тез орада бирлашма филиали қўшимча 200 кишини ишга жалб қилади. Бу эса қишлоқ меҳнаткашларини доимий иш билан таъминлаш имконини беради. Ҳозир янги корхона цехини қуриш бошлаб юборилди. Цехга Хитойдан келтирилган ускуналарни ўрнатиш мўлжалланмоқда.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) ёш ишчилар бирлашма филиалида тайёрланган кийим-кечакларни намойиш қилишмоқда, тикувчи Юлдуз Қозоқова.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

• *Янгиликдан хабарингиз борми?*

САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

●187-колхозлараро кўчма механизациялашган колонна бинокорлари Қоракўл районидаги М. Горький номли меҳнат жамоасида янги спорт иншоотини фойдаланишга топширдилар.

Лойиҳа-смета қиймати ярим миллион сўмдан зиёд бўлган иншоотни қуришда Тоҳир Холбоев бошлиқ участканинг Раҳим Эгамбердиев раҳбарлик қилаётган бригадаси қурувчилари ғайрат кўрсатишди. Спорт иншооти 4 минг ўринли стадион, футбол, волейбол майдончалари, югуриш йўлкаси, спорт зали, ювиниш хоналаридан иборат.

ДАРОМАД МАНБАИ

● Ромитан райони бинокорлари лойиҳа қуввати йилига 20 минг тонна чигитни қайта ишлашга мўлжалланган ёғ-мой заводи қурилишига ҳозирланмоқдалар.

Унинг лойиҳасини «Узмаслохимпром» институти мутахассислари ишлаб чиқишди. Янги завод фойдаланишга топширилиши билан район хўжаликларида етиштирилган ҳосил чигитини бевосита шу ерда қайта ишлаш мумкин бўлади. Бу билан хўжаликларнинг пахтачиликдан оладиган даромад миқдори анча ошади.

КОНСЕРВА ЦЕХИ

● Когон район тайёрлов идораси ҳузурида консерва цехи ишга тушди. Кичик корхона қурилишига 84 минг сўм маблағ сарфланди.

Уни меҳнат жамоасининг А. Қиличев бошлиқ бунёдкорлари барпо этишди. Айни маҳалда цехда сабзи ва қовунқоқидан мураббо тайёрланмоқда. Кундалик ишлаб чиқариш ҳажми 600—700 банкани ташкил қилмоқда. Янги мева ва сабзавот маҳсулотлари пишиб етилиши билан бу кўрсаткични 2—3 баравар ошириш кўзда тутилмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Яхши одамлар даврасида* •

ЭЛ ТАШВИШИДА

Бола бошидан, ўғлон ёшидан, деганларидек, ўткир зеҳнли Амакбойни устозлари ўқишни битириши билан ўз жамоаларида олиб қолишди.

— Ўқитувчиликка ўтдиму дилимдаги режаларимни амалга оширишга имкон топилди,— дейди А. Кўчаров.— Билими саёзроқ, ўйинқароқ болалар билан алоҳида шуғулландим. Аввало, қалбига йўл топишга ҳаракат қилдим. Шогирдларим мен билан бемалол гаплашадиган, дилидагини айтадиган бўлди. Ҳар бирининг феълига қараб алоҳида шуғуллансангиз, кўп нарсага эришиш мумкин экан. Шу йўл билан ўз синфимни ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам илғорлар сафига олиб чиқдим.

Ҳа, оқилга имконият берилса, албатта, ўзини кўрсатади. Буни фаҳмлаган район халқ таълими бўлими Амакбойни мактаб илмий бўлими мудирлигига тавсия этди. Қанотини кенгроқ ёзишга имкон топган ёш муаллим ўз тажрибасини жорий этиш пайидан бўлди. Бунга эришди ҳам. Шу туфайли ҳам 1962 йилда район маориф бўлими унинг иш усулини бошқа мактабларда кенг татбиқ этишни лозим топди. Орадан бироз ўтгач, мактаб жамоаси Амакбой Кўчаровни ўзларига раҳбар қилиб сайладилар.

Ташаббускор, тадбиркор, одамохун, билимдон директор катта куч-ғайрат эвазига аҳил жамоани ташкил этишга муваффақ бўлди. Аммо болаларнинг яхши ўқиб, билимларини кўпайтиришлари учун бунинг ўзи камлик қиларди. Чунки синф хоналари тор, қоронғи, зах бўлиб, техника воситалари, кўргазмали қуроллар у ёқда турсин, ҳатто оддий китоб-дафтар, ўқув қуроллари етишмасди.

Япония иккинчи жаҳон урушидан катта талафот кўрган мамлакатлардан. У ерда ҳам урушдан сўнг келажакни таъминлаш учун қайси йўлдан бориш керак, деган вазифа турган. Японлар ўша қийинчилик даврларида асосий эътиборни ёшлар тарбиясига қаратишган ва тўғри қилишган. Шунинг учун ҳам Япония қисқа муддатда юқори даражада ривожланган давлатлар қаторига чиқиб олди.

— Бизда эса,— дейди куйиниб А. Кўчаров, — бола тарбиясидек муҳим соҳага очиғи, иккинчи даражали масала, деб қараб келинди. Масалан, ўзим ишлайдиган мактабни олайлик. 1970 йилда саккиз йиллик мактаб тўлиқ ўрта мактабга айлантирилди. Унинг янги биносининг қурилиши учун 15 йил югуришимга тўғри келди.

Ҳозир мактабимиз янги. Жиҳозлар етарли. Жамоамиз ҳар бир ёшнинг пухта билим олишига ҳаракат қилмоқда.

Бу борада тажрибаларимиз бор. Масалан, мактабимиз катта бўлгани учун битта фан ўқитувчилари икки, учтани ташкил қилади. Шунинг учун мен ўқитувчиларнинг ҳамкасби дарсига тез-тез кириб туришини одат тусига киритганман. Шундай қилинса, тажрибали педагогдан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Қолаверса, ўша дарс жараёнида дарс бериш, ўқувчилар билан муомала-мулоқот қилишдаги камчиликларини англаб олади.

Ҳафтада бир марта бўладиган йиғилишларда ўқитувчилар шеригининг ютуқларини ҳам, камчиликларини ҳам рўйрост айтишади. Тажрибани ўрганиш билан нуқсонларни бартараф этиш йўлларини кўрсатишади. Бу тадбиримиз таълим-тарбия ишларига ижобий таъсир кўрсатяпти.

Бундан ташқари биз Сирдарё педагогика олийгоҳи профессор-ўқитувчилари билан ҳам мустаҳкам алоқа боғлаганмиз. Улар фандаги, ўқитиш усулидаги ўзгаришлар, янгиликлар билан жамоамизни таништириб боришади. Бу ҳам ишимизга катта наф беряпти.

Ўқитувчини қишлоқдаги маданият тарғиботчиси дейишади. Мактабдаги ҳар бир муаллим кўчасини, қўни-қўшнисини оталиққа олган. У одамлар билан тез-тез суҳбатлашиб, озодалик, турмуш маданиятини ошириш, янги урф-одатларни жорий этиш, унутилиб кетаётган анъаналарни, қадриятларни тиклашда фаоллик кўрсатади. Шунинг учун ҳам давлат хўжалигида истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари дўст, оғайни, қариндош-уруғ бўлиб яхши турмуш кечиришяпти.

Ҳозир мактабимизни битирган ёшларни вилоятдагина эмас, балки жумҳуриятимизнинг ҳамма ерида учратиш мумкин. Улар пухта билимли, малакали мутахассис сифатида обрў-эътибор топишган.

Амакбой Кўчаров мактаб жамоаси, катта оилага бошчилик қилиш билан жамоат ишларига ҳам вақт топади. Қишлоқ Кенгаши ноиби сифатида доимо бир юмуш билан юрганини кўрасиз. Биз ҳам Амакбой акага эл ташвиши йўлида ҳорманг, деймиз.

К. РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

• *Деҳқончилик саноати: янги қирралар*

Қашқадарё вилояти ижроия қўмитасининг ташаббуси билан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта гишлаш мақсадида «Шарқ» акционерлик жамияти тузилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, мазкур жамият қисқа вақтда Ҳамдўстлик давлатлари ҳамда жумҳуриятимизнинг кўплаб корхона ва ташкилотлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатди.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Ўтган йили Муборак районидаги «Бухоро» давлат хўжалиги ҳудудида қишлоқ хўжалик корхонаси барпо этилиб, 350 тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланди.

Жамият ўз маблағи ҳисобига тикувчилик ва тўқувчилик цехлари ташкил этиш, кичик корхоналар очиш, пахта толасидан маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга. Ҳозирдаёқ алоқадор корхоналардан ўн миллион сўмлик тўқув ускуналари сотиб олинди. Тегишли ташкилотлар билан яна 75 миллион сўмга шартнома тузилди. Корхоналар ишга туширилгач, 57,4 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ва 41,2 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши мўлжалланмоқда.

Шунингдек, жамият ёрдамида бошқа жойларда ҳам корхоналар барпо этилади. Жумладан, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Жейнов пахта тозалаш заводлари ва Қарши район ипакчилик хўжалиги ҳузурида кичик корхоналар вужудга келяпти. Бу эса ўз навбатида 2,5 минг кишини янги иш жойлари билан таъминлайди. Йилига икки минг тонна ип-газлама ва 22 миллион квадратметр газмол ишлаб чиқарилади. Бир сўз билан айтганда, булар вилоят иқтисодиётини яхшилашда мадад бўлади, албатта.

Жамиятнинг дастлабки қадами ҳайрли. Амалга оширадиган ишлари кўп. Акционерлик ишлари қандай боряпти?

— Бу борада амалий ишларни бошлаб юборганмиз, — дейди вилоят ижроия қўмитаси раиси Турсунпўлат Каримов. — Ҳозир кичик ҳамда хусусий корхоналар ташкил этиляпти. Бизга бозорларни турли маҳсулотлар билан тўлдирадиган корхоналар керак. Шу мақсадда яқин вақтда қурилиш материаллари, кондитер маҳсулотлари, мебель ва дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқарувчи цехлар ва филиаллар кичик корхоналарга айлантирилади.

Буни биз тўғри йўл деб ҳисоблаймиз. Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси қошидаги «Чарос» кичик корхонаси ял-ял ёнувчи атласлар тўқиб, шаҳар аҳолисига сотмоқда. Хўш, бунинг нимаси ёмон?

Очиғини айтганда, бу ишда камчилик ва муаммолар ҳам бор. Ташкил этилаётган айрим кичик корхоналар истеъмол бозорини ўзлари ишлаб чиқарган моллар билан тўлдириш ўрнига олиб-сотарлик ёки чайқовчилик билан шуғулланмоқдалар. Ўзини оқламаган кооперативларни кичик корхоналарга айлантириш ҳоллари ҳам юз беряпти. Бундай фактлар Қарши, Шаҳрисабз, Муборак, Косон шаҳарлари, Шаҳрисабз, Қарши ва Чироқчи районларида кўплаб учрамоқда.

— Бу нуқсонларга барҳам бериш биринчи галдаги вазифамиздир. Кичик корхоналар катта иқтисодий қулайликларга эга, — дейди суҳбат давомида Т. Каримов. —Биринчидан, уларни қуриб, ишга тушириш учун йирик капитал маблағ талаб этилмайди. Иккинчидан, бу корхоналар бозордаги талаб ва таклифларга қараб ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг турини ўзгартиришлари мумкин. Учинчидан, бу корхоналарда бир оила аъзолари ёки ўзаро яқин кишилар ишлашлари учун анча қулай.

Чиндан ҳам кичик ва ўрта корхоналар барпо этиш бозор муносабатларига ўтишни янада жадаллаштиради. Бунга ишбилармонлар ёрдамида, уларнинг маблағ ва ресурслари эвазига давлат мулкини хусусийлаштириш, ижарага олиш йўли билан эришса бўлади. Маълумки, ҳамма соҳада кичик ва хусусий корхоналарни кўпайтириш хайрли рақобатни келтириб чиқаради. Рақобат туфайли мол ҳам сифатли, ҳам кўп ишлаб чиқарилади.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

МАБЛАҒ КЕРАКМИ?

ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЙЎҚ!

«Ўзбек Савдо уйи»

экспорт — импорт LTD **фирмаси**

СИЗЛАРНИ
1000 СУМЛИК 10.000 СУМЛИК АКЦИЯЛАР БИЛАН
50 000 СУМЛИК- 100.000 СУМЛИК АКЦИЯЛАР БИЛАН
ТАЪМИНЛАЙДИ

АКЦИЯЛАР

СОҲИБИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛГАН, ИМТИЕЗЛИ НОМИНАЛ

1000 сўмлик

Ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН.

Акция соҳибларига молиявий йил якунларига кўра 20 фоизли курс бўйича қўшимча даромад кафолатланади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ҳамда уни турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш «Ўзбек савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фақат фирмада рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Акциялар харид қилингандан сўнг ўтган бир йилдан кейин акцияларнинг соҳиби акцияларнинг тўла қийматини ва 20 фоизли курс бўйича қўшимча қийматни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

СОҲИБИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛГАН, ОДДИЙ НОМИНАЛ
50000 сўмлик
100000 сўмлик
Ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ акцияларнинг соҳиблари бўлишлари мумкин

Молиявий йил якунларига кўра акция эгаларига фойданинг бир қисмини акциядан келган даромад сифатида олиш ҳуқуқи кафолатланади.

100 000 сўмлик номинал қийматга эга битта акция битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

50 000 сўмлик номинал қийматга эса икки акциядан иборат пакет битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ҳамда уни турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

Фақатгина «Ўзбек савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фирмада рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Харид қилингандан сўнг ўтган бир йилдан кейин акцияларнинг соҳиби акцияларнинг тўла қийматини ҳамда акциядан келган даромадни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

КЎРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН, БИРОҚ ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН, ОДДИЙ НОМИНАЛ

100 000 сўмлик

ташкилотлар ва хусусий шахслар

БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН

молиявий йил якунларига кўра акция эгаларига акциядан тушган фойдадан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи кафолатланади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ва турли хил йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

«Ўзбек савдо уйи» фирмасининг рухсатисиз амалга оширилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:

Харид қилинганидан сўнг бир йил ўтгач акцияларнинг соҳиби акция қийматти ҳамда ундан тушган фойдаии олиш ҳуқуқига эга бўлади.

АКЦИЯЛАРГА ЁЗИЛИШ

Опцион шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

Акцияларнинг 1 эмиссиясининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг «Ўзбек савдо уйи» томонидан эълон қилинган муҳлатларда ўз вақтида қиймати қайтарилиб олинмаган бўлса акциялар ўз-ўзидан йиғилга 20 фоизли даромад тўланадиган имтиёзли облигациялар қаторига ўтади.

Акцияларнинг қийматини қайтаришда акциялар соҳибининг хоҳиши ва «Ўзбек савдо уйи» фирмасининг таклифига кўра пуллар сўм ҳисобида ёки товар маҳсулотлари билан тўланиши мумкин.

АКЦИЯЛАРНИ СОТИШ

Ўзбекистон саноат қурилиш банкининг бўлимлари, «Союзпечать» идоралари ҳамда «Ўзбек Савдо уйи» тарқатувчилари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси, 700000. Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 35-37-90, 34-85-09, 34-64-79, 34-96-31. факс: 34-64-50
Телетайп: 116 384
Телекс: 116108 РТВ

ИККИ ҲАФТАДА ОБРЎЛИ БРОКЕРЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШ МУМКИН!

ЙИГИТЛАР, ҚИЗЛАР, ЁШЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Агар Сиз ўз тақдирингизни белгилаётган бўлсангиз ва ҳозирги омилкор дунё кишиси касби — брокерликни эгалламоқчи бўлсангиз — Сизга «НУРИСТОН» ассоциацияси ёрдам беради.

Брокер — биржадаги асосий киши бўлиб, у мижозлар манфаатини оқилона ҳимоя қилади, жамиятнинг гуллаб-яшнашига кўмаклашади.

Сиз «НУРИСТОН» ассоциацияси томонидан Ўзбекистон ёшлар институти қошида ташкил этилган икки ҳафталик курсларни тугаллаб, брокер бўлишингиз мумкин. Икки ҳафталик жадал ўқув жараёни мобайнида Сиз ўз ҳаётингиздаги асосий касбни эгаллайсиз, бу қизиқарли ишнинг маҳорат сирлари ва нозик томонларини билиб оласиз. Курсни тугаллагач, СИЗ МДҲ даги исталган биржада операциялар бажариш ҳуқуқини берадиган брокернинг малака сертификатини оласиз. Сизни биржа ишлари ва брокерлик фаолияти асослари билан таништирувчи ҳужжатлар мажмуи билан таъминлашади.

Мазкур курсларни битирган 200 га яқин брокерлар ҳозир «ЎЗБЕКИСТОН» агропромбиржасида ишлаб, унинг бугунги ютуқларига сезиларли ҳисса қўшмоқдалар.

«НУРИСТОН» ассоциацияси таъсис этувчи ва акционерлардан иборат ташкилотлар вакилларидан брокерлар тайёрлаш бўйича биринчи босқич ишларини якунлаб, энди МДҲ ва Ўзбекистон биржаларида ишлаш учун хўжаликлар ва мулкка эгалик формаси турлича бўлган корхона ҳамда ташкилотлар вакилларидан брокерлар тайёрлашга киришмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН» агропромбиржа анъаналари изидан бораётган ва унинг таъсисчиларидан бири бўлган «НУРИСТОН» ассоциацияси ёшларнинг моддий аҳволи оғирлигини ҳисобга олиб, ўқиш учун тўланадиган ҳақни учдан бир миқдорда пасайтирди.

Уй-жойга муҳтожлар ўқиш даврида меҳмонхона билан таъминланадилар.

* * *

«НУРИСТОН» ассоциациясининг етакчи мутахассислари консультациялар ўтказадилар, брокерлик фирмалари ва идоралари, масъулияти чекланган кичик корхоналар ҳамда жамиятларни рўйхатдан ўтказишда зарур бўладиган ҳужжатлар мажмуини тайёрлайдилар ва тақдим этадилар.

Маълумотлар учун телефонлар: (3712) 45-68-67; 45-87-58.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси, 8-уй, 808-хона, метронинг «Ҳамза» бекати.

«ЎЗБЕКИСТОН" АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ · "АГРОПРОМБИРЖА „ЎЗБЕКИСТОН"

Абу Райҳон Беруний

ТАРВИҲАЛАР

(«ЖАВОҲИР КИТОБИ»ДАН)

7.

Зотан бу иккаласи тош бўлиб, одамни очликдан тўйғиза олмайди, ташналикни қондиролмайди, зарарни тўсолмайди, машаққатдан қутқара олмайди...

Тиллани мутлақ хайр — яхшилик деб атадилар, чунки у мақсадга эришишда муваффақиятларни ўзига қамраб олади. «Чиндан ҳам инсон хайрни сезишга қаттиқдир» деган иборада, «хайр» дейилганда олтин назарда тутилади. Эл орасида «Дирҳамни эҳсон қиладиган киши барча яхши нарсаларни ҳам эҳсон қиладиган бўлади», деган гап бор-ку. Чунки барча хайр (олтин) танга табиатида бўлмаса ҳам, унинг заминида бор.

...Олтин ва кумуш маъдандан чиқарилгач, ҳудди ўрилган экинлар ва сўйилган ҳайвонга ўхшаб қолади, у ейиш ва тарқатишдан бўлак нарсага ярамайди.

Шунга ўхшаб бу бойлик ҳам маъдандан олингач, зарб қилиниб, олтин ё кумуш ҳолида тижорат учун қўлдан-қўлга ўтказишдан ёки ўз ҳақларини адо этишдан бўлак нарсага ярамайди.

* * *

Одамгарчилик, яъни мурувват кишининг ўзи, уруғ-аймоғи ва ўз аҳволига таъсир этиш билан чегараланади. Мардлик — футувват эса ундан ҳам устун туриб, ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватли мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди.

Агар у одамларнинг осойишталиги деб машаққатига чидам берса; зиқналик қилмасдан, бошқаларга берилмай, унга ато қилинган нарсаларни бировларга берса, бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади: у ўзининг ҳалимлиги, мулойимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, чидамлилиги, камтаринлиги туфайли улуғворлиги билан танилиб, гарчи у шу мартаба аҳлидан бўлмаса ҳам, олий даражага кўтарилади. У насл-насаб жиҳатидан эмас, балки ҳақли равишда (ўша сифатлари билан) эҳтиром қилинади.

Бу худди Жаҳза ал-Бармакийнинг* айтганига ўхшаб кетади:

Басрада бир киши бўлган экан. У ҳар куни уйдан чиқмоқчи бўлса ўзининг энг яхши кийимини кийиб, чопқир уловини миниб, одамлар ҳожатини чиқаришга уринар экан. Ундан бу ҳақда нега шундай қиласан, деб сўрашса, у шундай жавоб берибди:

«Мен кўзадан энг яхши шарбатларни ичиб лаззатланганман. Ҳатто бу шарбатни энг шуҳратли бастакорларнинг ашула айтиб, торлари чертилган ажойиб пайтларда ҳам ичганман. Уларнинг овозлари худди дарахтлардаги хушовоз қушларнинг ажойиб нағмаларига ўхшаб кетган. Лекин бу хурсандчилигимнинг ҳаммаси ҳам ҳеч қачон ман бирор кишига яхшилик қилиб, унинг дўстлари ўртасида менга билдирилган миннатдорчиликдан олган хурсандчилигимга етмас эди».

Шунинг учун мардлик—футувват, шод-хуррамлик, хайр-эҳсон, саҳоват иффатлилик азиятидан тийилиш билан таъриф-ланган.

Бир улуғ қабилага мансуб бир киши ота-буваларини деш қилиб, Амир Исмоил ас-Сомонийга* мурожаат қилиб хат ёзибди. Шунда Исмоил унинг хатига бундай жавоб берибди:

«Аждоднинг шуҳратига суянма, ўзингга ўзинг шуҳрат топ». У бунда бир шоирнинг бу шеърини назарда тутган:

«Исомнинг* ўзи ўзини улуғлади.
У ўзини ботирлик ва илғорликка ўргатди».

Биров айтган экан: «Кимда ким обрўли қариндошларига нисбат бериб, уларни восита қилса ва (ўзи ҳеч нарса қилмай, фақат) ўлган аждодлари билан фахрланибгина юрса, ўша кишининг ўзи ўлик ва аждодлари эса тирик саналади».

Бу худди бир шоирнинг:

«Агар эр киши ўзини ўзи юксакликка кўтара олмаса, чириган суяклар унинг фахр манбаи бўлолмайди», деган гапига ўхшаб кетади.

Баъзан жавонмард киши ҳаддидан ошиб кетади. Бунда шу даражага бориб етадики, ўз мулкини бошқага беришдан то жонини фидо қилишгача ҳам боради. У бу ишни ориятни ўзига олишдан ёки зулмни даф қилишдан, қўшничилик ҳаққини бажо келтиришдан келадиган ориятнинг учунгина шундай қилади.

Бу қаҳрамонлик араб дарвешлари орасида айтиб юриладиган қаҳрамонликка ўхшаб кетади. Улар ўз меҳмонлари ва улардан паноҳ истаб келувчиларга ўзларини фидо қилганлар. Ҳатто бу ишлари билан улар ақлсизликка ё жиннликка бориб, чодир теварагига қўнган чигирткани ҳимоя қилиб, уларни овлашга қарши бошқалар билан жанг қилганлар.

Баъзилар бўлса, Хотам-ат-Тойига ўхшаб ўз жонига қасд қилиб бўлсаям душманига нисбатан саховат ва шафқат кўрсатади. Ҳатто Хотам ат-Тоий ўзи алдаб, найзани душманга бериб, ўзини ҳалок этишга яқинлаштирган ва душманнинг жони танидан узиладиган пайтда душман Хотамдан найзани беришни алдаб сўраган ва Хотам буни писанд қилмай, душман тилагини рад қилишга кўнгли бормай, найзасини душманга тутқазган.

Ёки бўлмаса Каъб ибн Мома ал-Айёдийни олинг. У майда тош билан ўлчаниб тортилган ўз улушига тушган сувни ичмай, (унинг кўнгли бўшлигини билиб) «Бирodaринг ан-Нумайрийга ичир», деганида, унга берган ва ўзи ташналикдан ҳалок бўлган.

Бир шоир айтган экан:

«Вақти келганда ўз жонини бошқага фидо қилишлик — жавонмардликнинг энг охирги чегарасидир».

Али ибн ал-Жаҳм* бўлса бундай дейди:

Яхши кишида мол-дунё бўлмаслиги ор саналмайди.

Лекин унда яхшиликка интилиш тугаса, бу уят саналади.

Яъни бу ерда биринчи сатр билан у мардлик — футувватни айтмоқчи, чунки унга қўли очиқлик ва пурнеъматлик билан эришилади. Баъзан мардликка эришувдаги ижтиҳод чалкаш бўлиб қолади. Шунинг учун ўз истагига эришишга тақдир ёрдам бермаган кишига маломат қилинмайди.

Иккинчи сатрда эса мурувват кўрсатишни айтмоқчи бўлади.

Чунки, ҳур кишиларнинг олийжаноблик ҳислатлари хорликдан ва пасткашликдан асрайди.

Бундайлар ўзининг хурсандчилигини иложи борича ҳаракат қилиб, қийналганини кўрсатишга ёширади. Ҳатто уларнинг аҳволини билмаганлар уларни бойга йўйишади, чунки, сарф-харажатдаги бемалолчилигидан, бадани, кийими тозалигини кўриб, худо берган ўз ризқига бошқаларни шерик қилганини кўриб уни бой деб ўйлайди.

Кишиларнинг ўзида олийжаноблик хислати бўлмай туриб, фақат ғаразли мақсадни кўзлаб туриб, «хўжа кўрсин»га эҳсон қилувчининг эҳсони фойдасиз.

(Давоми бор).

1. Аббосийлар ҳалифалиги даврида яшаган вазир (вафоти 936).
2. Исмоил ибн Аҳмад Сомоний (ҳукмронлик йиллари 890—907).
3. Сарой хизматкорларидан бирининг номи.
4. Хотам ибн Абдуллоҳ аттоий (вафоти — 578 йил исломгача яшаган араб шоири, саҳий сифатида шуҳрат топган.
5. Араб шоири, вафоти 863 йил.

• Диққат, янгилик!

МЕТРО ЖЕТОНИ

Муомалада танга пуллар тақчиллиги учун Тошкент метроси бекатларида йўловчилар ҳақ тўлашида бир мунча қийинчилик туғилди. Шундан кейин махсус қоғоз патталар жорий этилди. Бу аҳвол ҳам йўловчиларга ноқулай туюлмоқда. Ўрта Осиё электр аппаратлари бирлашмаси бундай муаммони ҳал этиш йўлини излаб топди. Корхона мутахассислари метро учун махсус жетонларни тайёрлашни ўзлаштирди. Корхона бош директори Абдуманноб Олимбоев янгиликни шарҳлаб бундай деди.

— Бирлашма пойтахт ер ости йўли маъмуриятидан 7 миллион дона жетон тайёрлаб бериш юзасидан буюртма олган эди. Тоҳир Юнусов бошлиқ бригадада меҳнат қилаётган 6 киши ҳозиргача бу янгиликнинг 3 миллион донасини тайёрлашга улгурди. Жетоннинг ҳажми 3 тийинлик тангадан бироз каттароқ. Оғирлиги эса 3,5 грамм. Бу тамғанинг ўнг томонига «М» белгиси, орқасига эса корхонамизнинг номи қисқартириб зарб этилган. Тошкент метроси бу янгиликни июнь ойида татбиқ этишни мўлжалламоқда. Жетонлардан фойдаланиш йўловчиларга ҳар томонлама қулайлик туғдиради.

А. ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

А. ИКРОМОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: фалсафа;

профессорлар: ҳаракатдаги состав ва транспорт энергетикаси, темир йўл станциялари ва узеллари;

доцентлар: олий математика (5), жисмоний тарбия ва спорт, физика, сиёсий тарих, муҳандислик иншоотлари ва геодезия (3), қурилиш механикаси (2), темир йўл станциялари ва узеллари, иқтисод ва транспортни бошқариш (4), кимё, гидравлика ва гидравлик машиналар ихтисоси бўйича гидравлика ва гидравлика машиналари, сув таъминоти, канализация, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, локомотивлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш (3), темир йўл транспортидаги электр таъминоти системаларини мустаҳкамлиги, диагностикаси ва техника хизмати кўрсатиш мутахассислиги бўйича энергия таъминоти ва микропроцессорли бошқарув, молия ва ҳисоб-китоб (0,5), бинолар ва қурилиш конструкциялари, ҳаракатдаги состав ва транспорт энергетикаси, эксплуатация ишини бошқариш, темир йўлларни тадқиқотлаш, лойиҳалаштириш ва қуриш;

катта илмий ходим: машиналарни конструкциялаш асослари;

катта ўқитувчилар: жисмоний тарбия ва спорт, тиллар — ўзбек тили ва адабиёти (1), ўзбек ва рус тили (1), рус тили (1), фанлари бўйича, темир йўлларни тадқиқотлаш, лойиҳалаш ва қуриш, темир йўл транспорти корхоналарида электр технология қурилмалари ихтисоси бўйича ва электрлаштирилган темир йўлларда электр таъминоти ихтисоси бўйича электр таъминоти ва микропроцессорли бошқарув, йўл ва йўл хўжалиги, темир йўл станциялари ва узеллари;

ассистентлар: графика, тиллар—ўзбек тили (1), рус тили (1), инглиз тили (1), немис тили (1) фанлари бўйича, сиёсий тарих (2), жисмоний тарбия ва спорт, энергия таъминоти ва микропроцессорли бошқарув (ўзбек тилида дарс бериш учун), машиналарни конструкциялаш асослари, транспортда иқтисод ва бошқарув, темир йўл станциялари ва узеллари, юк ишлари технологияси ва уни механизациялаштириш вагонлар (2).

Танлов муддати — 6 майгача.

Ҳужжатлар ректор номига қуйидаги манзилга юборилсин: 700045, Тошкент—45, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИЛМГОҲИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим (1): полимерларнинг кимёвий модификацияси лабораторияси;

илмий ходим (1): истиқболли полимерли қурилиш материаллари лабораторияси;

кичик илмий ходимлар (4): полимерлар синтези лабораторияси (1), композицион полимер материаллар (1), тажрибавий-технология лабораторияси (1), уруғлар сифатини яхшилаш бўйича тармоқ лабораторияси (1).

Танлов муддати — 22 апрелгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700128, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7 «б» уй, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси илмгоҳи, илмий котибга.

Телефон: 41-88-01.

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

«ЕР ЁНГАНДА»

Саҳна санъатига актёр сифатида кириб келган Марат Азимов бугунги кунда умидли, изланувчан режиссёр сифатида танилди. Унинг Ҳамза номидаги Ўзбек давлат Академик драма театрида саҳналаштирган бир қатор асарлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Ўзига хос режиссура топилмалари билан диққатга сазовор бу спектакллар театр репертуаридан тушмай, мунтазам кўрсатилиб келиняпти. «Саббаи сайёр», «Нажот истаб», «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома», «Афандининг беш хотини» драма ва комедиялари режиссёрнинг ана шундай ишларидан ҳисобланади.

Яқинда иқтидорли режиссёр Ўзбекистон халқ ёзувчиси, моҳир драматург Ўлмас Умарбеков драмаси асосида саҳналаштирган «Ер ёнганда» янги спектаклини санъат мухлислари назарига ҳавола қилди. Рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби У. Сайдалиев ва бастакор Ф. Алимов билан ҳамкорликда тайёрланган мазкур драма маънавият муаммоларига бағишланган. Унда «ўзбек иши» мавзуи ҳақида, аниқроғи, пахтанинг шарофати ва баъзи кимсалар туфайли юз берган касофати тўғрисида сўз юритилади. Томошабин оддий пахтакор оилаларининг саргузаштларидан, тақдиридан огоҳ бўлади. Қалбида даврга, ён атрофига янада синчковлик билан боқиб, ҳушёрроқ яшашга интилиш туйғуси пайдо бўлади.

Премьерада иштирок этган маданият арбоблари ва томошабинлар театр жамоасини, режиссёр М. Азимовни мароқли асар билан қутладилар. Спектаклдаги ролларни ижро этувчилар орасида Наби Раҳимов, Ғани Аъзамов, Икрома Болтаева, Рихси Иброҳимова, Турғун Хонтўраев, Тўти Юсупова каби таниқли актёр-актрисалар қаторида иқтидорли, умидли ёшлар ҳам бор.

СУРАТДА: «Ер ёнганда» спектаклидан бир кўриниш.

К. РОМЕЕВ олган сурат.

• ҚАНОТИ ҚАЙРИЛМАСА

ТАЗАРРУ

Муборак мустақиллик мақомига эга бўлган жонажон жумҳуриятимиз Ёзувчилар уюшмасининг X қурултойи кўз ўнгимда.

Ўша кунлари адабиётимизнинг бешигини тебратган Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир... сингари оқсоқол арбобларимизнинг мавқелари, мартабалари, иш юритиш тартиблари, давраларга файз киритиб ўтиришдек фазилатлари ўрни билинди. Эҳтимол, улар ҳаёт бўлганларида қурултойимиз АЙРИЛТОЙга айланиб кетмаган бўлар эди.

Шу вақтгача ҚИЗИЛ БАЙРОҚ кўтариб, дунёдаги ҳамма мамлакатлардан устивор санаб, ўзимизни ўзимиз алдаб, алданиб келдик. Моҳият эътибори билан косамизни оқартирадиган, ўзлик ўзимизни кўрсатадиган қадди-қоматимизни ростмана тиклаб оладиган ОШКОРАЛИК, ДЕМОКРАТИЯ каби янги шиорлардан тўғри, тугал фойдаланайлик энди. Машваратларимизнинг можарога, мажлисларимизнинг мажмияга, маслаҳатларимизнинг масхарага айланиб кетишига йўл қўймайлик. Катталаримизнинг камситилиши, улуғларимизнинг улоқ-улоқ қилиниши, арбобларимизнинг оқсатилиши, камтар-хокисорларимизнинг қақшатилиши ярашмас.

Бош уриб борадиган биргина қутлуғ остонамиз бор эди. Энди эса... Бир остонага бош уриб, бир ёқадан бош чиқариш қайдаю кечагина қучоқ очиб кўришиб юрган ҳамнафас, ҳамдард кишинг билан ҳол-аҳвол сўрашиш ўрнига киссангдан тош чиқариш қайда! Нима гап ўзи, деб ўзингга ўзинг савол бериб, ўзинг изтироб чекасан киши. Тўғри, уюшмамиз биносининг теги ўзга бир ташкилот тасарруфига ўтиб, ҳозир шундай бир қутлуғ даргоҳнинг ишратхонага айланиши (шармисорлик), ДЎРМОННИНГ ЎРМОНГА айланиб кетиши, уй, машина сингари нимарсаларнинг сирли тақсимланиши, имтиёз ҳамда мукофотларнинг «ишбилармон», «тилбилармон» кишиларгагина берилиши, уюшманинг вилоятлардаги айрим бўлимлари назоратсиз қолиб, номигагина ишлаб турганлиги шу топилади. Лекин начора ўрмон бўрисиз, кулба мўрисиз, шоли курмаксиз, қудуқ челаксиз бўлмас, деганларидай...

Ва лекин юқорида санаб ўтилган майда иллатлар уюшмамизнинг иккига бўлиниб кетишига сабаб бўла олар эдими? Неча йиллаб орзу қила келган истиқлоллик мақоми насиб этган, ўз туғига, ўз тўғрисига (фахрияси ҳали ҳалол ҳал этилганича йўқ), ўз Президентига эндигина эга бўлган жонажон, жабрдийда халқимизнинг ўтмишини, бошимиздан кечаётган бугунги мушкулдан-мушкул кунлардан эсон-омон чиқиб олиш йўлларини, ёрқин эрта кунини (оққан дарё оқмай қолмас) тўғри, холис ва жасорат билан борлиқ имкониятимизни ишга солиб ижод қилиш ўрнига ва шунга ўхшаш сабаблар ижодкорлар ўртасида ихтилофнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Ва яна қалам ўрнига қилич, қалқон кўтариб юрувчи жангари, шаддод кимсалар, минбарпараст, мансабпараст, манфаатпарастлар, аравани қуруқ олиб қочувчи, тўйларда даврани олиб боришни биринчи даражали вазифасига айлантириб, шунинг кетидан кун кечирувчи, бир арава хашак учун ёзувчилик гувоҳномасини пеш қилувчи «ижодкорлар» сафимизда насибага лойиқ эмас, ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасида ишлаётганлар, ҳеч бир ишга ярамаганлар, ҳеч бир ишга ярамаганлар, ҳеч бир ишга ярама